

ISSN: 2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL

OF INTEGRATED EDUCATION
AND RESEARCH

INTEGRATSIYALASHGAN

TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI

ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ

**THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH**

ISSN 2181-3558

VOLUME 2, ISSUE 9

COLLECTION B

SEPTEMBER 2023



Tahririyat a'zolari
Editorial board

Berdialiev A. f.f.d., prof.
Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.
Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.
Babadjanova D. tarix.f.d., prof.
Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.
Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.
Madumarov T.T. yur.f.d., prof.
Mirzayeva S.R. fil.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.
Mahmudov N.M. fil.f.d., prof.
Salayeva M.S. ped.f.d., prof.
Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent
Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent
Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent
Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent
Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent
Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d., dotsent

Achilov N.K. fil.f.d., dotsent
Imomova G.M. fil.f.n., dotsent
Zakirova H.R. f.f.n., dotsent
Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent, TFA Akademik
Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent
Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent
Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent
Djuraeva M.Y. f.f.f.d.
Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent
Otadjanova M.O. f.f.d.
Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent
Hasanov A.M. fil.f.f.d.
Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent
Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent
Safarova U.A. fil.f.d., dotsent
Dexqonova M.Sh. f.f.d.
Hasanov A.M. fil.f.d.

Mas'ul kotib: M.Yusupov

АЛЛОМА АБУ БАРОКОТ НАСАФИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Баймиров Муслим Сайдуллаевич

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
“Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация. Ушбу мақолада буюк аллома, фақиҳ, усул илми билимдони, мутакаллим ва муфассир Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий ҳаёти ва ижоди ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: Шамсу ал-аймма, Ҳижрий, Меърож

Аннотация. Данная статья посвящена изучению жизни и деятельности великого учёного, правоведа, усула, мутакаллима и комментатора Абдуллы бин Ахмеда бин Махмуда Насафи.

Ключевые слова: Шамсу аль-Аимма, Хиджра, Мирадж.

Abstract. This article is devoted to the study of the life and work of the great scholar, jurist, scholar of Usul, mutakallim and commentator Abdullah bin Ahmed bin Mahmud Nasafi.

Key words: Shamsu al-aimma, Hijri, Miraj

Буюк аллома, фақиҳ, усул илми билимдони, мутакаллим ва муфассир Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий.

Кунyasi: “Абу Барокот”. Лақаби: “Ҳофизиддин” бўлиб, У ўзининг “Ромзу ал-Ҳадоик” китобида: “Насафий¹, мана шу лақаби билан инсонлар ичида машҳур бўлган”, деб айтиб ўтади².

Аллома “Ҳофиз ал-милла ва ад-дин”, яъни “дин ва уммат ҳимоячиси” дебган ном билан ҳам машҳур бўлган³.

Ўша даврда икки буюк аллома “Ҳофиз ад-дин” деб аталган.

1-Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Абу ал-Фазл.

2-Имом Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абу Барокот Насафий.

Икки аллома ҳам Шамсу ал-аймма Кардарий ва Муҳаммад ибн Абдуссатторлардан фикҳ илмини ўрганди⁴.

Олимнинг энг машҳур лақаби: Насафий бўлиб, бу ўлка Мавороуннаҳрдаги тоғли ўлка. У Самарқанд ва Жайхун ўртасида жойлашган.

Олимнинг туғулган йили ва вафоти.

¹ НАСАФ, Нахшаб — Қарши воҳасида, Қашқадарёнинг қуйи оқими бўйларида жойлашган ўрта аср шаҳри ва вилояти номи. Насаф шаҳри Қарши ш. дан 8 км шим.ғарбдаги Шулуқтепа шаҳар харобаси ўрнида бўлган. 7—8-а. ларда Насафда от тасвири, G — белгиси ва туркий чехра ҳоким расми туширилган мис тангалар зарб қилинган. 8-а. нинг 2-ярмидан бу тангалар фельс деб аталган. Араблар истилосидан сўнг Насаф вилоятнинг маъмурий маркази бўлган

² Уйийни. Ромзу-ал-ҳадоик. Ж.1. Б.8.

³ . Абду ал-Қодир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ ибн Салим ибн Аби ал-Вафоъ ал-Қураший ал-Ҳанафий Мухйиддин Абу Муҳаммад. Қоҳира: Дару ал-Ҳижра. Нашр.2007 й. Ал-жавҳар ал-музиййа фи табакот ал-ҳанафия лил-Қураший. Ж.2. Б. 295. Абу Ҳажар Асқалонийнинг “Дурар ал-камина”, асари. Т.2. б.247.

⁴ Ал-Жавҳар ал-мазия фи табакот ал-ҳанафия лил-Қураший. Ж.4. Б.376.

Тарожим ва Сияр китобларида алломанинг туғилган йили аниқ курсатилмаган. Лекин унинг вафот этган йили ва устозларининг вафот йилига эътибор қаратилса олимнинг туғилган санаси ҳижрий еттинчи асрнинг биринси чорагига тўғри келади.

Насафийнинг вафоти борасида турли хил қарашлар бор.

1- (Ҳижрий 701 й).

2- (Ҳижрий 711 й.).

3- Кўпгина тарихчи ва алломалар қарашига кўра (Ҳижрий 710 й) вафот этган⁵.

Алломанинг тарихи борасида маълумот келтириб ўтган олимларнинг кўплари Насафийнинг “Ийзаж” қишлоғидаги “Жалол” деган ерда дафн этгалигини айтади.

Устозлари.

Имом Насафий бир қанча буюк олимлардан таълим олган. Улар орасида алломанинг ҳаётида олаҳида аҳамиятга эга ва унинг чуқур илм эгаллашида олимнинг учта устозларини алоҳида айтиб ўтиш мумкин.

1-Машиқ ўлкаси фақх илми билимдони, Шамсу ал-аимма, Абу Ваҳда, Муҳаммад ибн Абдусаттор ибн Муҳаммад Амадий, Кардарий⁶, Ҳанафий, Баротуқиний⁷.

1-Баротуқиний: аллома ҳижрий 559 йил, Зилхижжа ойининг ўн саккизида Баротикда таваллуд топган. Барча илмларни мукамал эгаллаган олим бўлиб, барча ўлкалардан унинг олдига олим кишилар зиёратига келиб туришар эди⁸.

2-Кардарий: Хоразмда Шайх Бурҳониддин ва “ал-Муғрим” китоби соҳиби Носир ибн Абу Макорим Абду Саййид ибн Али Муторризийлардан илм ўрганди. Сўнгра Самарқандда “Ҳидоя” китоби соҳиби Шайхулислом Бурҳониддин Марғинович ва Иномзода номи билан танилган Шайх Мажиддин Маъҳадлар кўлида фикҳ ва ҳадис илмларини ўрганди. Шу каби Насафий Бухорода Аллома Бадриддин Амр ибн Абдулкарим варсакий, Шайх Шарафиддин Абу Муҳаммад, Уқайлий каби катта устозларга шогирд тушиб фикҳ илмини ўрганди. Аллома шу билан бирга Ҳофизиддин Насафий, Шайх Аҳмад ибн Маҳмуд Собуний, опасининг ўғли Муҳаммад ибн Маҳмуд Кардарий ва Хумайдиддин Зорирлардан фикҳ илмини пухта эгаллади. Кардарийдан таълим олиш учун Бухорога бир қанча олимлар келишди.

Улардан: олимнинг акасининг ўғли Аллома Муҳаммад ибн Маҳмуд Фақиҳий, Сайфиддин Бохарзий, Фарзайя шайхларидан аллома Ҳофизиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср, ва Зоҳириддин Муҳаммад ибн Умар Бужабазий⁹.

⁵ “Кашфу аз-зунун”. Ж.2. Б.190.

⁶ Хоразм шаҳрида жойлашган катта бир маҳаллага. Сияру ал-аълам ан-нубулу. Т.16. б.344.

⁷ Қамиш тўкиш билан шуғуллунадиган Хоразм аҳлига нисбатан айтилган.

⁸ Ал-Жавҳар ал-музиъа фи табақот ал-ҳанафия. Т.2. б.295.

⁹ Заҳабийн Тариху ал-ислом. Т.14. б.424.

Олим барча илмларни муқамал эгаллаб ўз замониси олимларидан ўзиб кетди. Олимлар томонидан эътирофга эга бўлди. Мана шундай замонасининг эътирофлари: “У Шамсулаимма Сарахсий ва Абу Зайд Даббусийлардан кийинги усул ва фуру илмларини қайта тирилтирди”.

У “Мухтасар Шайх Хисамуддин Ахсикаший”, “ал-Бурд ва ал-Ансор ли Аби Ҳанифа имом фуқаҳо ал-амсор” ва “Таъсис ал-қоваид фи асабату ал-анбия” китобларига шарҳ ёзди¹⁰.

Олим ҳижрий 642 йил Мухаррам ойининг тўққизинчи куни, жуму куни вафот этди ва устоз Абдуллоҳ Сабзамуний қабристонида дафн қилинди¹¹.

Аллома Бадриддин, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Абдулкарим Кардарий. “Хавоҳирзода” лақаби билан ҳам машҳур бўлган¹². Шайху Аимма Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардарийнинг синглисининг ўғли бўлиб тоғасининг хузурида гўзал тарбия топиб улғайди ва ундан фақиҳ илмини ўрганди, етук олим бўлиб етишди. Олим Ҳижрий 652 йил Зилқоъда ойида вафот этди ва тоғасининг ёнига дафн этилди.

4-Нажму ал-уламаи Али ибн Муҳаммад ибн Али Хумайдиддин Зорир Ромиший Бухорий.

Ромиш Бухорадги қишлоқ номи бўлиб, аллома Зорир номи билан машҳур бўлган. У ўз даврининг катта имоми фақиҳ, усулий, муҳаддис, муфассир, мунозарада моҳир, мутакаллим, зеҳн ва ақл заковати ўткир эди. Мавороуннаҳр ўлкаси илмлари борасида энг чўққи даражани эгаллади.

Ромиший Насафийдан ташқари Шамсул Аимма Муҳаммад ибн Абдусаттор Кардарий, Жамолиддин Абдуллоҳ Маҳбубий, “ал-Ҳақоикун шарҳу ал-мунзума” соҳиби Абу Маҳомид Муҳаммад ибн Аҳмад Бухорий, Жалолиддин Муҳаммад ибн Аҳмад Соъидий ва Шайх Важиҳиддин Али Нусухий каби бир қанча олимлардан фикҳ илмини ўрганган.

Али ибн Муҳаммаднинг “Ҳашия ала ал-Ҳидая”, “ал-Фавоид ала усул ал-Баздавий”, “Шарҳу ал-мазумати ан-Насафия”, Шарҳуннафиъ деб аталган “ал-Манafiъ” ва “Шрҳу ал-Жоиъ ал-Кабир” китоблари соҳиби ҳамдир.

Бир ривоятга кўра аллома биринчи бўлиб “ал-Ҳидоя” китобига шарҳ ёзган. Али ибн Муҳаммад Ҳижрий 666 йил Зилқоъда ойининг саккизинчи куни, бозор куни вафот этди.

Аллома Абу Барокат Насафийнинг шогирдлари.

Насафий тарихи ҳақидаги маълумотларни айтиб ўтган китобларни ўрганиш давомида олимнинг бир қанча китоблар соҳиби экани ва ҳаёти давомида кўп китоблар ўқиганини билиб олишимиз мумкин. Шунга кўра

¹⁰ Сияру ал-аълам. Т.16. 6.344. Ан-Нужум аз-заҳиро. Т.6. 6.351.

¹¹ Имом Заҳабий Сияр китобида т.16. 6.344. ва Тарих ал-ислом т.14. 6.424. китобларида аллома ал-Кардарийни Имом Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Харисий ал-Бухорий ёнида дафн этилган деб, келтириб ўтади.

¹² Ал-Жавоҳир ал-Музиъа. Т.2. 6.183-184. Ховаҳирзода: бир табақа олимларга нисбатан айтилиб, бирон-бир олимнинг синглисининг ўғилларига нисбатан айтилади. Бу исм айтилганда асосан икки олим тушунилади. Уларнинг бири олдинроқ бир даврда яшаган бўлса иккинчиси ундан кийинги даврда яшаган. Улар: 1-Қози ибн Собит ал-Бухорийнинг синглисининг ўғли Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-Бухорий. “Ҳидоя” китобида аллома мана шу лақаби орқали бир неччи бор келтириб ўтилган. 2- Шайх Шамсиддин ал-Кадарийнинг синглисининг ўғли Ховаҳирзода Бадриддин ал-Кардарий.

олимнинг бир қанча шогирлари бўлганини ҳам бемалол айтиш мумкин. Лекин Насафийнинг таржимаи ҳоли келтириб ўтилган китобларда унинг фақат тўртта шогирди ҳақида айтиб ўтган холос.

Улардан: 1-Хасамиддин ал-Хусайн ибн Али ибн Хажжаж ас-Сифноқий¹³.

Олим ўткир фаҳм, фақиҳ, граматика ва мунозара илмларида тенгсиз эди. Сағноқий Хофизиддин Кабир Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорийдан фикҳни ўйгани, устози унинг ёшлиги чоғидаёқ фатво айтишга рухсат берди. Худди шундай Фахриддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Илёс Маймарғийдан ҳам фикҳ илмини ўргани. Сифноқий Ҳидоя китобига шарҳ ёзиб уни “ан-Ниҳая” деб номлади. Китобни шарҳини етти юзинчи йил Робиул аввал ойида тугатди. Олимнинг ўзи ёзган китоблари бўлиб, улар:

1. Ибн ал-Муин Маймун ибн Муҳаммад ан-насафий ал-макхулийнинг “Шрху ат-Тамҳид фи қоваидуттамҳид” китобига шарҳ.
2. “ал-Кафий шарҳу усули ал-Баздавий”;
3. Усул борасидаги “Шарҳу ал-Мунтахаб усул ал-Баздавий”.

Аллома Боғдодга келиб Жамиу ал-Имом Абу Ҳанифа университетидан илм таҳсил қилиб сўнгра ҳаж ибодатини адо этиб Дамашк¹⁴ га сафар қилди. Етти юз ўнинчи йил у ерга боргач Ҳалаб шаҳрида Қози Носириддин Муҳаммад ибн Умар ибн Адим билан учрашди ва унга бир қанча китоблардан ижоза берди.

Олимдан фикҳ илмини ўрганган шогирдларидан, “Меърож ад-Дироя шарҳи ал-Ҳидоя” китоби соҳиби Қивомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Какий ва “ал-Кифоя” китоби соҳиби Саййид Жалолиддин ал-Курланийлардир.

2. “Ибн ас-Саъатий” номи билан танилган Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Тағлуб¹⁵. Асли Баъалабаккаик¹⁶ бўлиб Бағдодда улғайди. Фақиҳ, усул имми билимдони ва хатиб, ақл заковат ва гўзал нутқ борасида мисол қилиб келтириладиган олим эди. Боғдодда ўсиб улғайди, шу ерда илм билан машғул бўлиб илмда катта ютуқларга эришди ва шаръий илмларда ишончли, хифз эгаси ва усул ва фуру илмларни пухта эгаллаб ўз асрининг имоми даражасига етди.

“ал-Маҳсул” китоби соҳиби Шамсиддин Асфаҳоний Шофъий уни Али ибн Ҳожибдан авлороқ ва ундан донороқ деб айтар эди. Тожиддин Али ибн Сажардан илм ўргани. “Ал-Кафавий “ал-Канз” китоби соҳиби Кирманийдан: “Мажмаъ ал-Баҳрайн” китоби соҳиби ибн Саъатий “ал-Канз” китобини, китоб муаллифидан олти юз саксон учинчи йил Кирмон¹⁷ даги ал-Қутбия мадрасасида ўқиб тугатди. Олим “Мажмау ал-Баҳрайн” китоби соҳиби бўлиб унда “Мухтасар ал-Қудурий” ва “ал-Манзума” китобларини

¹³ Ал-Жавохир ал-музиз. Т.2. б.114/116. Тажу ат-тарожим. Б. 160/161.

¹⁴ Сурия Араб Республикасининг пойтахт шаҳри. Дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан бўлиб, миллоддан олдинги 9000 йилларда шаҳарга асос солинган. Аҳоли сони 20 миллиондан ошади.

¹⁵ Ал-Жавхар ал-музиз. Т.1. б.208-112. Фавоид ал-мубин. Т.2. б.97.

¹⁶ Ливондаги шаҳар бўлиб, Антиливан тоғи этагида. Шаҳар аҳолиси 18 мингга яқин.

¹⁷ Китоб: Аълам ал-Ахбор. Б.323.

жамлади ва ундаги масъалаларни тартибга келтириб гузул бир кўринишда мухтасар шаклга келтирди. Олимнинг ўзи “Мажмау ал-Баҳрайн” китобига икки катта мужалладда шарҳ ёзди. Шу каби олимнинг усул борасидаги “ал-Бадиъ” китобида Фахрул Ислому Баздавий ва Амидийнинг “ал-Ихкам” китобларини ўртасини жамлади. Рукниддин Самарқандий ва Носириддин Муҳаммад “Мажмау ал-Баҳрайн” китобини ибн Саъатийга ўқиб берди. Шу каби ибн Саъатий “ад-Дарру ал-Манзуд фи ар-радди ала файласуф ал-яхуд” (Ибн Камуна) борасида китоб ёзди. Олим хижрий олти юз тўқсон тўртинчи йил вафот этди ва Боғдоддаги Жунайд Боғдодий ёнига дафн қилинди. Ибн Саъатийнинг Фотима исмли қизи бўлиб отасидан фикҳ илмини чуқур эгаллади ва ундан “Мажмау ал-Баҳрайн” китобини ўқиб чиқди ва китобга ажойиб таълиқотлар ҳам ёзар эди. Юқорида айтиб ўтилган шогирдларидан ташқари олимнинг Ибн Саббак номи билан машҳур бўлган Али ибн Санжар исмли шогирди ҳам бўлган.

3-Алоуддин Абду ал-Азиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бухорий. Усул ва фикҳда Бухоро имоми. Олимнинг ёзган китоблари: “Кашфу ал-Асрор шарҳу усул ал-Баздавий”, мазҳаб усули борасидаги “ат-Таҳқиқ шарҳу ал-Мунтахаб”. Олим “ал-Ҳидоя” китобига шарҳ ёзган. Алоуддин Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Бухорий хижрий етти юз ўттизинчи йил “ал-Ҳидоя” китобини шарҳини тугаллашдан олдин вафот этди¹⁸.

4-Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хужнадий ал-Какий. Дин устунларидан бўлиб ҳанафий олимларидан бўлиб Қоҳирадаги Марданий университети имоми.

Олимнинг ёзган китоблари: “Меърож ад-дария фи шарҳи ал-Ҳидоя”, “Уюун ал-мазаҳиб”, ва “Жамиу ал-асрор фи шарҳи ал-Манор”. Олим хижрий етти юз қирқ тўққизинчи йил вафот этди¹⁹.

¹⁸ Табақот ал-муфассирин. Т.1. б.270. ал-Фаваиду ал-баҳия. Б.94.

¹⁹ Мифтах ас-Саъада. Т.2. б.167. ал-Жавҳар ал-музйа. Т.2. б.340.

«АЛ-ФАТАВА АС-СИРОЖИЯ» АСАРИНИНГ УСЛУБИ

Раҳимов Неъматуллоҳ Каримдҷанович
 Ўзбекистон Халқаро Ислом Академияси
 мақсадли таянч докторанти,
 Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом
 Институти "Ақоид ва Фикҳий фанлар"
 кафедраси ўқитувчиси.

«Ал-Фатава ас-Сирожия»даги мавзулар ва масалалар содда услубда изоҳланган ва асосан классик фикҳ асарларида бўлганидек мисол келтириш услуби қўлланилган. Моддий ҳодиса услуби дея ифодаланган бу усул ҳодисаларга ва масалаларга фарқли ҳукм чиқариш, қонун қўйиш методи ҳисобланади.²⁰ Ҳар қандай ҳукм ва унинг ижро қилинишида илоҳий иродани талаб қилишни асос қилган ва илк ўринда мукаллафнинг роя қилиши керак бўлган ҳукмнинг баён қилинишини мақсад қилган фикҳ илми ўзининг ташкил топиши ва шаклланиши эътиборидан назариялар ва кенг қамровли қоидалар устига қурилмагандир. Фақиҳлар мазкур босқичларда шахсга ёки жамиятга алоқадор бўлган ҳар бир масалани алоҳида қўлга олиб ечимини топиш ва уни маълум бир ҳукмга боғлаш услубини устун билганлар.²¹ Фақиҳларнинг бу услубни қўллашларига фикҳ илмининг жорий кундалик ҳаёт билан ва у ҳаётнинг муаммолари билан мустаҳкам алоқада бўлиши, фикҳий мунозараларнинг дастурини таъйин қилишда кундалик ҳаётда юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг муҳим бир ролининг бўлиши каби сабабларнинг таъсири бўлганини айтиш мумкин.²² Зеро, шахсий ёки жамоавий ҳодисалар ва муаммоларга ечим топиш йўлида бўлган ва буларга керакли ҳукмларни келтириш билан рўпарама-рўпара бўлган фикҳ илмининг ўз моҳиятида ҳам ўзига хос ҳуқуқ мантиғига ва салоҳиятига эга бўлиши кераклигини ҳам айтиш мумкин.²³ Фикҳ илмининг мисол келтириш услубини қўллаш хусусияти унинг қоида ва қолипга мажбурий солувчи ва догматик шаклга келишини олдини олган, турли замон, шарт ва атроф-муҳитга фарқли ҳукм ва ечимлар ишлаб чиқаришига имконият берган.²⁴ Хуллас, фикҳ илмининг пайдо бўлишидан бир неча юз йилдан сўнг ва бу илмнинг юзага келган ўлкадан жуда ҳам узоқ бўлган бир шаҳарда яшаган Сирожиддин Али ибн Усмон Ўшийнинг ушбу «Фатавои Сирожия» номли асарида фикҳ илмининг бундай ўзига хос хусусиятини кўриш мумкин. Ўший ўзидан аввалги даврларда қаламга олинган асарларнинг, керак бўлса ўз даврининг фикҳий онгининг таъсири билан асарларида казуистик (тамсил қилиш, мисол келтириш) услубини қўллаган ва замон, шартлар ва атрофдаги

²⁰ Яъқуб Маҳмудўғли, «Ислом ҳуқуқининг мисолий қурилиши ҳақида», Испарта, 2012-йил, 2-жилд, 135-бет.

²¹ Хайридин Караман, «Фикҳ», Истанбул, 1996-йил, 13-жилд, 3-бет.

²² Юқоридаги асар, 8-бет.

²³ Маҳмудўғли, «Ислом ҳуқуқининг мисолий қурилиши ҳақида», Испарта, 2012-йил, 2-жилд, 141-бет.

²⁴ Хайридин Караман, «Фикҳ», Истанбул, 1996-йил, 13-жилд, 3-бет.

турли омилларни ҳам кўз ўнгида тутган ҳолда баъзи ҳодиса ва муаммоларга тааллуқли фарқли ечимлар ва ҳукмларни келтиришга қарор қилган.²⁵

Сирожиддин Ўший ўз асарининг ҳар бир китобининг бошида ушбу бўлимнинг қанча бобдан ташкил топганини билдирган ва боб номларини зикр қилганидан сўнг мавзуларнинг изоҳига ўтган, эҳтиёж сезилган ўринларда калималарнинг маъноларига аҳамият қаратган. Баъзи ерларда калималарнинг истилоҳий маъноларини ҳам тушунтириб ўтган. Масалан, поклик китобининг таҳорат бобининг бошида келган араб тилидаги «ал-вудуъ» калимасининг поклик маъносидаги «ан-назофат» ва гўзаллик маъносидаги «ал-хусн» каби маънолари ҳам бўлган «ал-вадоъа» калимасидан келиб чиққанини,²⁶ шуфъа китоби ичида келган шуфъа калимасини талаб қилиш бобидаги арабча «ал-мувосаба» калимасининг «ҳамон, дарҳол» маъносида келганини баён қилган.²⁷ Яна қуйидаги мисолларни ҳам келтириш мумкин:

1. *«Ғабни-фоҳиш биладиган кишиларнинг белгилаган қиймат устидаги бўлган нархдир».*²⁸

2. *«Ийло (эрнинг аёли билан) тўрт ой жинсий алоқани тарк этиш ҳақида қилган қасамдир».*²⁹

3. *«Ямини-гамус ўтмишидаги бир ҳодисага тааллуқли қасддан ёлгон ишлатилган ҳолда қилинган қасамдир».*³⁰

4. *«Талабул-мувосаба (бир кўчмас мулкнинг) сотилишини эшитган заҳоти дарҳол уни тааб қилишидир».*³¹

Энг кўп ибодатлар билан боғлиқ бўлимларнинг баъзи бобларида аввал масаланинг ҳукмини зикр қилиш билан бошланган. Масалан, «тиловат саждаси вожибдир»,³² «жамоат билан намоз ўқиш таъкидланган суннатдир»,³³ «байрам намозлари вожибдир»,³⁴ «ташриқ такбирлари таъкидланган суннатдир»,³⁵ «витр намози вожибдир»,³⁶ «тарових намози таъкидланган суннатдир»,³⁷ «вақф ерларидан хирож (солиқ) олиш вожибдир»,³⁸ «фитр садақаси вожибдир»,³⁹ «эътикоф суннатдир»⁴⁰ дейилиб мавзуга кирилганидан сўнг масаланинг тафсилотлари баён қилинган.

²⁵ Ўшийнинг замон, шартлар ва атрофдаги омиллар туфайли қарор қилган фарқли ҳукмлар ва уларнинг мисоллари кейинги саҳифаларда кенгрок баён қилинади.

²⁶ Ўший, «Фатавои Сирожия», 25-бет.

²⁷ Ўший, «Фатавои Сирожия», 454-бет.

²⁸ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 143-бет.

²⁹ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 128-бет.

³⁰ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 271-бет.

³¹ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 454-бет.

³² Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 94-бет.

³³ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 96-бет.

³⁴ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 108-бет.

³⁵ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 111-бет.

³⁶ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 114-бет.

³⁷ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 119-бет.

³⁸ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 149-бет.

³⁹ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 156-бет.

⁴⁰ Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 171-бет.

Бу асар «Фатаво» номи билан бирга савол-жавоб тарзида бўлмаган асар бўлиб, аввал айтиб ўтилганидек классик фикҳий илм соҳаси моҳиятидадир. Хусусан, «Фатавои Сирожия»да савол-жавоб иборалари мавжуд эмас. Фақат баъзи ерларда масалалар тушунтирилар экан, муаллифнинг бу масалага оид бир саволни келтириб уни яна ўзи жавоблаганини кўриш мумкин. Бунга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

1. *«Қуёш ботишидан олдин Арафотдан айрилиб кетган кишига «дам»⁴¹ кесиш жазоси керак бўлади. Фақат қуёш ботишидан олдин Арафотга қайтиб келган кишининг «дам» кесиш жазоси бекор бўладими? Бундай саволга икки хил фикр билдирилган».*⁴²

2. *«Шерикларнинг бир-бирига ёки бошқа бир кишига тақсимга муносиб кенг ҳиссали молни ҳадя қилиши жоиз эмас. Бундай мол ҳадя қилиниб қабул қилиб олинса уни ҳадя қилган кишига ўша мол мулк ҳисобладими? Садруш-шаҳид ўзининг «Ал-Воқеъот»ида «.. ихтиёр қилингани шуки, бундай мол мулк бўлмайди» деган. Китобнинг бошқа бир ерида эса бундай ҳолатда фосид мулклик юзага келишини ифода қилган бўлиб, мана шу фикрга кўра фатво берилади».*⁴³

3. *«Агар бир киши «молимнинг учдан бирини фалончига, қолгани эса фақирларга бўлсин» деб васият қилса ва ўша фалончи киши ҳам фақир бўлса, у молнинг қолган қисми васият қилинган фақирларнинг гуруҳига дохил бўладими? Машойихлар бу масалада ихтилоф қилганлар».*⁴⁴

«Фатавои Сирожия»да масалалар асосан учинчи шахс олмоши асосида изоҳлаган. Қуйидаги мисолларда келганидек, баъзи ерларда иккинчи шахс олмоши ҳам қўлланилган:

1. *«Ҳожатхонага кираётганигда чап оёгинг билан, чиқаётганигда ўнг оёгинг билан чиқ».*⁴⁵

2. *«Завол вақтининг ўтганини билишни истасанг текис бир ерга бир чўпакни тик ва унинг соясининг етган ерга бир шиора чиз. Агар соянинг ўша чизиқдан озайганини кўрсанг, билки қуёш ҳали заволга келмаган. Агар соянинг ўша чизиқдан ўтиб кетганини кўрсанг, у ҳолда билки қуёш заволдан зарбга мойил бўлган. Агар бу соя камаймаса ҳам ортмаса ҳам билки бу соат завол вақти бўлади ва бу соя асл соядир (зиллул-аслий)».*⁴⁶

3. *«Кўлида қули ва жориясидан ташиқари бир нарсаси бўлган киши учун унинг мулки хусусида гувоҳлик қилишинг мумкин. Айтиладики, фақат*

⁴¹ Дам қўй ёки еттида бир сифатида келишилиб сўйилган туянинг номидир. Қаранг, Ўший, «Фатавои Сирожия», 183-бет.

⁴² Ўший, «Фатавои Сирожия», 189-бет. Муаллиф бу ерда икки хил қарашнинг мавжудлигини келтириш билан қифояланган. Бу саволнинг тафсилоти имом Сарахсийнинг «Ал-Мабсут» асарида келган. Қаранг, Сарахсий, «Ал-Мабсут», 4-жилд, 56-бет.

⁴³ Ўший, «Фатавои Сирожия», 405-бет.

⁴⁴ Ўший, «Фатавои Сирожия», 583-бет. Муаллиф бу ерда ҳам машойихларнинг ихтилоф қилганларини зикр қилган, тафсилотларини келтирмаган.

⁴⁵ Ўший, «Фатавои Сирожия», 42-бет.

⁴⁶ Ўший, «Фатавои Сирожия», 58-бет.

қалбингга мазкур нарсанинг ўша кишига оид бўлганига доир бир қаноат келса, ўшанда гувоҳлик қилишинг мумкиндир».⁴⁷

Муаллифнинг масалаларни тушунтирар экан, асарининг баъзи ерларида мавзуга оид ҳодисаларга ҳам ўрин ажратгани кўрилади.

1. «Имом Муҳаммад кичиклигида Абу Ҳанифадан бир кишининг уч марта «Аллоҳга қасамки, сен билан гаплашмайман (валлоҳи ла укаллимука)» деган ҳолатининг масаласини сўради. Абу Ҳанифа: «Кейин нима бўлди?» деди. Имом Муҳаммад кулимсираб шундай деди: «Яхшилаб қара, эй шайх! (Унзур ҳасанан я шайх)». Абу Ҳанифа бошини эгди, кейин кўтарди ва ўша кишининг икки марта қасамини бузганини айтди. Бунга жавобан имом Муҳаммад: «Тўғри айтдинг (аҳсанта)» деди. Абу Ҳанифа: «Аллоҳга қасамки, унинг менга қараб айтган ушбу «яхшилаб қара» сўзими ёки «аҳсанта» сўзими кўпроқ тегди, билмай қолдим» деди.⁴⁸

2. «Уйланмасликка доир қасам ичган киши агар фосид никоҳ билан уйланса қасамини бузган ҳисобланмайди. Агар фузулий⁴⁹ бир киши уни уйлантирса, у киши ҳам бу уйланишни ўз сўзи билан тасдиқласа, у ҳолда унинг қасами бузилади, маҳрини қайтариб ёки шунга ўхшаш бир амал билан тасдиқласа қасами бузилмайди. Бу Шамсул-аимма Сарахсий ва Али ибн Муҳаммад Паздавийнинг фикридир. Маждул-аимма Ас-Сурҳақийга кўра эса уйланишлик бир амал билан тасдиқланса ҳам қасам бузилади. Шамсул-аимма Ал-Марғиноний ҳам бундай ҳолатда қасамнинг бузилишига доир фатво берарди. Унга «Нега устозингиз Шамсул-аимма Сарахсийга хилоф қияпсиз?» дедилар. Марғиноний эса: «Ундай бўлса, у (яъни Сарахсий) нега устози Шамсул-аимма Ҳалвонийга ихтилоф қилган?» дея жавоб берган».⁵⁰

3. «Шофеъий мазҳабига ўтган киши таъзир қилинади. Абу Ҳафс Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс Ал-Кабир Ал-Бухорий ўз мамлакатада шофеъийларнинг кўплиги туфайли Шофеъий мазҳабига ўтган ва таъзирланган ҳамда шаҳарга кириши таъқиқланган».⁵¹

4. «Бир киши ҳазиллашиб: «Шуни менга ҳадя қил» дейди ва ёнидаги ҳам: «ҳадя қилдим» деса ва нариги киши ҳам: «қабул қилдим» деса ва у нарсани қабул қилиб олса, ҳадя жоиз бўлади. Абдуллоҳ ибн Муборак танбур чалиб ўтирган кишиларнинг ёнидан ўтиб кетар эди. Уларга қараб: «Шу танбурингизни менга ҳадя қилинг, мен сизларга уни қандай урилишини (чертилишини) кўрсатаман» деди. Ўша кишилар унга танбурни беришди. Ибн Муборак эса танбурни ерга урди ва синдирди. Кейин уларга: «Кўрдингизми қандай урдим» деди. Улар: «Сен бизни алдадинг» дедилар. У эса буни (Шу танбурингизни менга ҳадя қилинг, мен сизларга уни қандай

⁴⁷ Ўший, «Фатавои Сирожия», 497-бет.

⁴⁸ Ўший, «Фатавои Сирожия», 256-бет.

⁴⁹ Фузулий- бир кишининг ҳуқуқий вакили ёки васийси бўлмаган тақдирда унинг номидан ҳуқуқий амалларни бажарувчи кишидир. Қаранг, Башир Гўзибенли, «Фузулий», Истанбул, 1996-йил, 13-жилд, 239-бет.

⁵⁰ Ўший, «Фатавои Сирожия», 265-бет.

⁵¹ Ўший, «Фатавои Сирожия», 282-бет.

урилишини (чертилишини) кўрсатаман) сўзини тўлаб беришга доир Абу Ханифанинг сўздан сақланиш учун айтгандир».⁵²

5. «Абдурраҳим Ал-Карминий тушида Абу Ханифага от гўштининг макруҳлиги ҳақида савол берган, Абу Ханифа эса унга «Таҳриман макруҳ, эй Абдурраҳим» деган».⁵³

6. «Абу Юсуф халифа Ҳорун-Ар Рашиднинг ёнига кирса унинг ҳузурда икки киши калом илмидан баҳс қилиб ўтирган экан. Халифа ундан бу икки кишининг мунозараси ҳақида сўраса, Абу Юсуф ўзининг бекорчи ишлар билан машғул бўлмаслигини айтибди. Унинг бу таврини ёқтирган халифа Абу Юсуфга минг дирҳам берилишини амр қилибди ва девонларга «Абу Юсуф бекорчи ишлар билан машғул бўлмагани учун минг дирҳамни қозонди» деб ёзиб қўйилишини амр қилибди».⁵⁴

Қисқа бўлиши билан бирга бундай масалаларни тафсилотлари билан изоҳлаган Ўший баъзи бир масалаларнинг ҳайратланарли эканини ҳам ифодалаган.

1. «Бир киши ҳомиладор аёлига қараб: «агар қорнингдаги ўгил бола бўлса, бир марта, қиз бола бўлса икки марта талоқсан» деса, кейин аёли бир ўгил ва бир қиз туғса, унда талоқ тушмайди. Бу ҳайратли масаладир (ҳия масъалатун ажсийба)».⁵⁵

2. «Бошқа бировнинг қули бўлган биродарига ҳадяда бўлган кишининг ўз ҳадясидан қайтишга ҳаққи бор. Айни тарзда, аёлининг қулига қилган ҳадясидан ҳам қайтишга ҳаққи бўлади. Бу ажойиб масаладир (ҳия масъалатун ажсийба)».⁵⁶

3. «Буздой ташиши учун бир ҳайвонни орияга (ижара) олган киши буздойни ташиши учун вакилини юборса, фақат ўша вакил киши ўзига оид бўлган бир иш учун ўша ҳайвонни ишлатса ва ҳайвон ўлиб қолса, бу ҳолда тўлов масъулияти йўқдир (ҳаза ажсийб)».⁵⁷

«Фатавои Сирожия»да мавзу ва масалаларнинг изоҳланишида шахслар ва жойларнинг номлари ҳам қўлланилган. Масалан, Зайд,⁵⁸ Амр⁵⁹ ва Зайнаб⁶⁰ каби шахсларнинг исмлари, Ироқ,⁶¹ Шом,⁶² Бағдод,⁶³ Басра,⁶⁴ Кўфа,⁶⁵

⁵² Ўший, «Фатавои Сирожия», 402-бет. Яна қаранг, Бурхониддин Ал-Бухорий, «Ал-Мухитул-Бурхоний», 5-жилд, 480-бет.

⁵³ Ўший, «Фатавои Сирожия», 377-бет.

⁵⁴ Ўший, «Фатавои Сирожия», 602-бет.

⁵⁵ Ўший, «Фатавои Сирожия», 216-бет.

⁵⁶ Ўший, «Фатавои Сирожия», 407-бет.

⁵⁷ Ўший, «Фатавои Сирожия», 366-бет.

⁵⁸ Ўший, «Фатавои Сирожия», 573-бет.

⁵⁹ Ўший, «Фатавои Сирожия», 573-бет.

⁶⁰ Ўший, «Фатавои Сирожия», 216-бет.

⁶¹ Ўший, «Фатавои Сирожия», 444-бет.

⁶² Ўший, «Фатавои Сирожия», 218-бет.

⁶³ Ўший, «Фатавои Сирожия», 220, 258 ва 266-бетлар.

⁶⁴ Ўший, «Фатавои Сирожия», 467, 468 ва 510-бетлар.

⁶⁵ Ўший, «Фатавои Сирожия», 260, 177, 465, 484, 508, 510 ва 532-бетлар.

Хуросон,⁶⁶ Балх,⁶⁷ Исбижоб,⁶⁸ Бухоро,⁶⁹ Самарқанд,⁷⁰ Фарғона,⁷¹ Ўш⁷² ва Ўзкенд⁷³ каби жой номлари ҳам келган.

Муаллифнинг асарларида такрорларга мурожаат қилинмаганлигини кўриш мумкин. Эҳтиёж сезилган ўринларда мавзунинг ёки масаланинг аввал айтиб ўтилгани маъносида «камаа закарнаа»,⁷⁴ «ала маа закарнаа»,⁷⁵ «ала маа кулнаа»,⁷⁶ «ала маа байяннааху»,⁷⁷ «ала маа марра»⁷⁸ дея зикр қилинган.

⁶⁶ Ўший, «Фатавои Сирожия», 444-бет.

⁶⁷ Ўший, «Фатавои Сирожия», 149-бет.

⁶⁸ Ўший, «Фатавои Сирожия», 567-бет.

⁶⁹ Ўший, «Фатавои Сирожия», 149, 266 ва 469-бетлар.

⁷⁰ Ўший, «Фатавои Сирожия», 149, 287, 517, 528 ва 567-бетлар.

⁷¹ Ўший, «Фатавои Сирожия», 242 ва 444-бетлар.

⁷² Ўший, «Фатавои Сирожия», 287, 528 ва 593-бетлар.

⁷³ Ўший, «Фатавои Сирожия», 287-бет.

⁷⁴ Ўший, «Фатавои Сирожия», 94 ва 110-бетлар.

⁷⁵ Ўший, «Фатавои Сирожия», 168-бет.

⁷⁶ Ўший, «Фатавои Сирожия», 493-бет.

⁷⁷ Ўший, «Фатавои Сирожия», 409-бет.

⁷⁸ Ўший, «Фатавои Сирожия», 238-бет.

MUSTAQIL TA'LIMNI TASHKIL ETISH ASOSIDA TALABALARNING AKADEMIK MOBILIGINI RIVOJLANTIRISH MAZMUNI

Saitkulova Nazokat Rahmonovna

Chirchiq oliy tank qo'mondonlik-muhandislik bilim yurti

Qurolli Kuchlar xizmatchisi p.f.f.d., (PhD)

Annotasiya. Mazkur maqolada mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish metodikasi to'g'risida so'z yuritilgan. Talabalar mustaqil ta'lim olishga qiziqish uyg'otuvchi motivlar ko'rsatilgan. Mustaqil ta'limni tashkil etishda pedagogning mustaqil faoliyatidagi sifatlari yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: mustaqil ta'lim, akademik mobillik, metodika, kompetensiya, shakl, usul, kasbiy xususiyat

Abstract. This article discusses about the methodology for the development of academic mobility of students on the basis of the organization of independent study. Motivations are shown that students are interested in getting an independent study. In the organization of independent study, the qualities of an educator in independent activities are highlighted.

Key words: independent study, academic mobility, methodology, competence, form, method, professional characteristic

Kirish. Mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish mazmuni, shakl va metodlari, pedagogik shart-sharoitlarini aniqlash, metodik tavsiyalar ishlab chiqish va ularni amaliyotga joriy qilish muhim hisoblanadi. Buni amalga oshirish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirish lozim:

- mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish muammolari, mazmuni, holati va ularning tarkibiy qismlarini nazariy jihatdan tahlil qilish;

- mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish bilan bog'liq muammoli topshiriqlarni ishlab chiqish;

- mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish metodikasi asosida amaliy-metodik tavsiyalar ishlab chiqish, ularni amaliyotga joriy etish.

Mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirishda talabalarda mustaqil ta'lim olishga bo'lgan intilish, mavzuga oid ma'lumotlarni internet orqali izlash, o'qib o'rganish, mustaqil ta'lim olish ko'nikma va malakalarini shakllantirish zarurligi ta'lim sifati va samaradorligini oshirishda muhim.

Mustaqil ta'lim talabalarda shaxsiy, kasbiy, individual xususiyatlarni namoyon qilishga; o'quv-bilish kompetensiyalarini shakllantirishga; ularning o'qitiladigan fanlarga oid bilimlarini rejalashtirishga; dars va darsdan tashqarida olingan bilimlarni tartibga solishga, shuningdek nazorat kilish uchun ongli ravishda foydalana bilishga; ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga asos bo'ladi.

Mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish masalasini nazariy va metodik jihatdan ishlanganlik darajasini oshirish maqsadida quyidagi tavsiyalarga e'tiborni qaratish lozim, deb hisoblaymiz:

- fanlarni o'qitishda talabalarda mustaqil ishlash kompetensiyalarini shakllantirish samaradorligini oshirish maqsadida muammoli o'qitish tizim asosida mashg'ulotlarni tashkil etish metodikasini ishlab chiqish;

- ta'limda talabalarning mustaqil ishlashlariga imkon beruvchi moddiy-texnik bazani mustahkamlash chora tadbirlarini belgilash;

- talabalarning mustaqil ta'limni tashkil etishda pedagogik va axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish imkonini beruvchi maxsus elektron dasturlar va qo'llanmalar yaratish.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).

Mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirishda o'qitishning zamonaviy usullari, shakl va vositalari, muammoli o'qitish, xususan, mustaqil ta'limning noan'anaviy metodlari muhim o'rin tutadi. Bu esa ta'limda talabalar mustaqil ta'limi mazmunini ishlab chiqish va uni tashkil etish hamda amalga oshirish usullarini takomillashtirishni taqozo etadi.

Albatta, talabalarning nazariy va amaliy mustaqil ta'lim olishlari uchun katta imkoniyatlar mavjud. Biroq hozirgi vaqtda mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish masalasiga dolzarb pedagogik muammo sifatida qaralmaydi, uning mazmunini tahlil qilish va ishlab chiqishga zamonaviy nuqtai nazardan yondashilmaydi, samarali metod, shakl hamda vositalaridan foydalanishga yetarlicha e'tibor berilmaydi. Bu va shunga o'xshash boshqa masalalar bu borada qator pedagogik muammolar mavjudligini bildiradi.

Mazkur masalalarni ilmiy-pedagogik nuqtai nazardan o'rganish, mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish va buning uchun yetarli shart-sharoit yaratib berish zarurati; bu masalani amalga oshirish va nazorat qilish bo'yicha tayyorgarligining zamon talablari darajasida emasligi; ularga oid o'quv-metodik adabiyotlar, tavsiyalar, ishlanmalar, yo'riqnomalar, ko'rsatmalarning yetarli emasligi kabi muammolar alohida dolzarblik kasb etadi.

Mustaqil ta'limni tashkil qilishni pedagogik muammo sifatida N.A.Muslimov [1], O.A.Qo'ysinov [2], Z.Nishonova [3], J.Tolipova [4], U.K.Tolipov [5], N.Xalilov [6], Sh.Yunusova [7], S.I.Demidov [8] kabilar o'z ishlarida tadqiq qilganlar.

Mustaqil ta'limni o'rganish holati

Hozirgi kunda ta'lim muassasalarida mustaqil ta'limni tashkil etishda uning samaradorligini ta'minlashga yetarli darajada e'tibor berilmayapti. Talabalarning darsdan bo'sh vaqtlarida o'z o'quv-bilish kompetensiyalarini oshirish ustida ishlamasligi, axborot resurs markazlarida mustaqil ta'limga oid adabiyotlarning yetishmasligi, pedagogik va axborot texnologiyalaridan unumli foydalana olmasliklari muammosi mavjud. Ushbu muammoni ijobiy hal qilish uchun talabalarning mustaqil ta'lim olishini izchil tizimga keltirish kerak.

Pedagog olim S.Matjonovning tadqiqot ishi talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etishga bag'ishlangan bo'lib, unda darslarda talabalarning og'zaki va yozma ijodiy ishlarini tashkil etish masalalari tadqiq qilingan. Zero, ma'naviy barkamol avlodni shakllantirishda ijodiy ishlar va mustaqil faoliyat yuritish o'z-o'zidan erkin tafakkurni talab qiladi. Mustaqil tafakkuri, o'z nuqtai nazariga ega bo'lmagan talaba ijodkor bo'la olmaydi, mustaqil faoliyat yuritilmaydi [9].

T.R.Niyazmetovning o'zbek tili va adabiyoti darslarida mustaqil ish bajarish uslubiyati mavzusidagi nomzodlik dissertatsiyasida umumiy o'rta ta'lim jarayonida talabalarning mustaqil ishlarini tashkil etish yo'llari va uning talabani faollashtirishdagi ahamiyati haqida fikr yuritiladi. Garchi tadqiqotda mustaqil fikrlash masalasi yetakchilik qilmasada, talabaning mustaqil ishlash faoliyati o'z-o'zidan u yoki bu darajada mustaqil mulohazani talab qilishi ko'zga tashlanadi [10].

Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology)

Talabalar mustaqil ta'lim olishga qiziqish uyg'otuvchi kuch, motiv sabablarga bog'lik holda ular o'z oldilariga mustaqil ta'lim mazmunini tashkil etuvchi maqsad va vazifalarni belgilab oladilar. Buni quyidagicha ifodalash mumkin:

- mustaqil faoliyat olib borishda muhim hisoblangan siyosiy mustaqil ta'lim, zamonaviy voqelik va ularga bo'lgan munosabat;

- tanlagan yo'nalishi bo'yicha faoliyat olib borish, talabaning mustaqil ta'lim olishlarini o'zlashtirishga yo'naltirilgan tayyorgarlik davridagi kasbiy mustaqil ta'lim;

- o'quv fanlarini yanada chuqurroq o'rganishga, shaxsiy-hayotiy rejalari, shaxsiy qiziqish asosida yo'naltirilgan mustaqil ta'lim;

- o'z iste'dodini va sevimli mashg'ulotlarini rivojlantirish bilan bog'lik bo'lgan mustaqil ta'lim;

- o'z xarakterini tarbiyalashga qaratilgan mustaqil ta'lim[2]:

Pedagog o'z mustaqil faoliyatida ma'lum maqsad asosida va ma'lum tartibda quyidagi sifatlarini shakllantirib borishi kerak:

- talabaning intilish va qiziqishini his qilish, tushunish hamda ehtiyojini inobatga olish;

- talaba bilan emotsional aloqa o'rnatish, ularning aqliy, axloqiy va amaliy faoliyati tomonlariga faol ta'sir etish;

- pedagog o'zining pedagogik mahoratini oshirish ustida ishlash tizimining eng samarali usul va yo'llarini tanlab olishi, texnologik jarayon va texnik obyektlarni to'g'ri tanlab faoliyat ko'rsatishi kerak;

- pedagog aniq sharoitlarni hisobga olgan holda va ularga mos tarzda individual holda yoki jamoa bilan birga o'z bilimni oshirish shakllaridan foydalanishi, amaliy mashqlar bajarishi maqsadga muvofiq;

- pedagog o'z bilimni oshirishni doimiy ijodiy izlanishlar tarzida tashkil etishi va ma'lum maqsadga yo'naltirishi zarur. Buning uchun u: ijodiy izlanishlar jarayonini boshqara olishi, uning samaradorligi pedagogik, psixologik va nazariy tayyorgarlikka bog'lik bo'lishini esda tutishi lozim.

Tahlil va natijalar Analysis and results).

Pedagog olim N.A.Muslimovning tadqiqot ishi [1] da mustaqil ta'lim faoliyatining uchta bosqichi ajratilib ko'rsatilgan.

Birinchi bosqichida fanlarga bo'lgan qiziqish asosiy manba bo'ladi. Biroq bu qiziqish yetarli darajada chuqur bo'lmaydi. Bunda ham maqsadga yo'naltirilgan, tizimli, maxsus tashkiliy, mustaqil ta'lim faoliyati mavjud emas. Faqat kitoblar o'qish, maxsus ma'ruzalar tinglash, mustaqil tafakkur faoliyatiga intilish bo'ladi. Shaxsning mustaqil ta'lim olish faoliyatiga qiziqishi ham mujassamlashmagan, u ham ko'plab qo'shimcha, keng miqyosli ishlarni amalga oshiradi, biroq bularni uzviy ravishda emas, balki ba'zan va chuqur bilimga ega bo'lmay amalga oshiradi.

Ikkinchi bosqichida talaba mustaqil o'z oldiga maqsad va vazifalar qo'yib, mustaqil faoliyat mazmunini anglab, tashkiliy ishlarni amalga oshirib boradi. Bu davrda u shaxsiy-hayotiy reja va g'oyalarni amalga oshirish vositasi sifatida kasbiy vazifalarni hal etadi. Bu bosqichda talabaning mustaqil faoliyatga qiziqishi jiddiylashadi, fanning alohida qismini o'rganish, bu orqali o'z hayotiy rejalarini tuzish, biror kasbni egallashga bo'lgan qat'iy istak asosiy o'rin tutadi. Ongli ravishda qo'shimcha faoliyat bilan shug'ullanadi, o'z g'oyalarini amalga oshirish vositasiga aylangan mustaqil ta'lim bilan shug'ullanishga intilish paydo bo'ladi. Mustaqil ta'limni ongli ravishda tashkil etadi.

Uchinchi bosqichida talaba mustaqil ta'lim bilan bir necha yil shug'ullanib, o'z kasbiy maqsad va faoliyati yo'nalishlarini, vazifalarini aniq belgilash malakasiga ega bo'ladi. Mustaqil bilim olish darajasini baholash o'z-o'zini baholash va pedagog tomonidan baholash asosida qiyoslanadi.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Shunday qilib, mustaqil ta'limni tashkil etishasosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish, ularda mustaqil ta'lim olishga bo'lgan intilish, mavzuga oid ma'lumotlarni Internet orqali izlash, o'qib o'rganish, mustaqil ishlash kompetensiyalarini shakllantirish zarurligi ta'lim sifati va samaradorligini oshirishning muhim omili hisoblanadi.

Mustaqil ta'lim talabalarda shaxsiy, kasbiy, individual xususiyatlarni namoyon qilishga; bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirishga; ularning bilimlarini rejalashtirishga; darsda va darsdan tashqarida olingan bilimlarni tartibga solishga, shuningdek nazorat qilish uchun ongli ravishda foydalana bilishga; ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga asos bo'ladi.

Mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish masalasini nazariy va metodik jihatdan ishlanganlik darajasini oshirish maqsadida quyidagi tavsiyalarga e'tiborni qaratish lozim, deb hisoblaymiz: mustaqil ta'limni tashkil etishda talabalarda o'quv-bilish kompetensiyalarini shakllantirish samaradorligini oshirish maqsadida loyihalash metodi asosida darslarni tashkil etish metodikasini ishlab chiqish; ta'lim muassasalarida mustaqil ta'limni tashkil etishasosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirishga imkon beruvchi moddiy-texnik bazani mustahkamlash chora tadbirlarini belgilash; mustaqil ta'limni tashkil etishda innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish imkonini beruvchi maxsus elektron dasturlar va qo'llanmalar yaratish maqsadga muvofiqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Muslimov N.A., va b.q. Kasb ta'limi yo'nalishi bakalavrlarini tayyorlashda mustaqil ta'limning ahamiyati // Maktab va hayot. - Toshkent, 2004. - № 1. - B. 18 - 20.
2. Qo'ysinov O.A. Mustaqil ta'lim olish jarayonida talabalarning ijodiy tafakkurlarini shakllantirish. / Ta'lim jarayonida mustaqil tafakkur rivojlanishi: Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. - Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU, 2005. - B.98- 99.
3. Nishonova Z. Mustaqil fikr rivojlanganligining psixologik mezonlari // Xalq ta'limi. - Toshkent, 2001.- №1.- B. 38 - 40.
4. Tolipova J. Talabalarning mustaqil ta'limini tashkil etish//Xalq ta'limi. - Toshkent, 2002. - № 4. - B. 102 - 103 .
5. Tolipov U.K. Talabalar mustaqil ishlarida o'qitish vositalari // Xalq ta'limi. - Toshkent, 2000. - №1.- B. 45 - 47.
6. Xalilov N. Mustaqil ta'lim shakllari // Xalq ta'limi. - Toshkent, 2002.- № 5.- B. 88 - 89.
7. Yunusova Sh. Talabalarning mustaqil o'quv faoliyatini shakllantirish // Xalq ta'limi. - Toshkent, 1997. - №5. - B. 53 - 55.
8. Demidova S. I., Denisheva L.O. Samostoyatelnaya deyatelnost uchashixsya pri obuchenii matematike. - M.: Prosvesheniye, 1985 g.- 189 s.
9. Matchanov S. Umumta'lim tizimida adabiyotdan mustaqil ishlarni tashkil etish: Avtoref. dis. ... ped. fan. dokt. - T.:1998. - 42 b.
10. Niyazmetova T.R. Metodika samostoyatelnoy raboti uchashixsya na urokax uzbekskoy literaturi v IV - VII klassax: Avtoref. dis. ... kand. ped. nauk. - T.:1979. - 21 s.

INTEGRATING INNOVATION AND SUSTAINABILITY: A COMPREHENSIVE ANALYSIS OF MODERN TECHNOLOGIES IN COTTON FABRIC PRODUCTION

U.K. Mayinova¹

¹*Tashkent University of Applied Sciences, Gavkhar Street, 1, Chilanzar, Tashkent,
100149, Uzbekistan.*

*I.R. Murodova², M.Q. Aliboyeva², N.Sh. O'taboyeva²,
O.B.Adhamova², N.R. Aliqulova² and H.G'. Toshboltayev²*

²*Samarkand State University named after Sharof Rashidov, University blv. 15,
Samarkand city, 140104, Uzbekistan.*

Abstract. The textile industry stands at the intersection of technological innovation and sustainability, with cotton fabric production serving as a pivotal focus. This comprehensive analysis delves into the state-of-the-art technologies currently transforming cotton fabric manufacturing, from ginning to spinning and finishing processes. Innovations such as the Internet of Things (IoT) for manufacturing optimization and nanotechnology for textile enhancement promise not only efficiency but also environmental sustainability. Utilizing a multi-faceted approach, this study conducts a rigorous examination of water and energy conservation methods integrated within modern cotton fabric production. The paper also explores the economic implications, detailing a cost-benefit analysis that underscores the competitive advantage offered by adopting cutting-edge technologies. Case studies provide empirical evidence of successful technology adoption in the industry, reinforcing the economic, social, and environmental benefits. The study concludes by advocating for policy recommendations to further accelerate technology integration and sustainability measures in cotton fabric production, thereby shaping a future that is economically viable, environmentally responsible, and technologically advanced.

Keywords: *Cotton Fabric Production, Technological Innovations, Sustainability in Textiles, Economic Implications, Resource Efficiency*

Introduction. The transformation of the textile industry is a fascinating and complex journey that begins with the seed of a cotton plant and culminates in the swathes of fabric that influence diverse sectors, from fashion to healthcare [1]. In a world increasingly fixated on innovation, sustainable practices, and economic viability, the cotton textile sector offers a ripe field for exploring the confluence of these compelling aspects. The premise of this comprehensive analysis hinges on the evolution and adoption of modern technologies in cotton fabric production [2]. This study will examine the lifecycle of cotton production, focusing on the technological advancements that impact the industry's environmental footprint, quality output, and economic profitability [3].

Rationale: Importance of cotton in industry

Cotton remains a cornerstone in the textile industry, accounting for a significant portion of the world's total fiber usage. Its application spans a wide array of products, from everyday clothing to specialized medical supplies [4]. However, the production of cotton and its subsequent transformation into fabric involve numerous stages, each with unique challenges ranging from resource-intensive processes to environmental repercussions [5]. As populations swell and the demand for cotton products escalates, a comprehensive review of the technologies employed in cotton fabric manufacturing becomes crucial [6].

Objectives of the Study

The primary aim of this study is to conduct an exhaustive analysis of the state-of-the-art technologies in cotton fabric production, including, but not limited to, ginning, spinning, weaving, dyeing, and finishing [7]. The study will also evaluate the environmental efficacy of these technologies, examining factors such as water and energy usage, as well as waste management and the handling of chemicals [8]. On the economic front, the research aims to discern the cost-effectiveness and competitive advantage conferred by the adoption of these technologies, thereby offering insights into employment, trade, and value-added products [9].

Research Questions

The study will seek to answer the following research questions:

- What are the latest technologies adopted in cotton fabric production?
- How do these technologies impact the efficiency and sustainability of the production process?
- What are the economic implications of implementing modern technologies in cotton fabric manufacturing?
- How do these advancements affect product quality and broader applications in other industries?

Methodology Overview

A multi-pronged methodology will be employed to address these questions. Quantitative analyses will be used to measure factors such as resource consumption, efficiency gains, and economic impacts [10]. Qualitative analyses, including expert interviews and case studies, will provide context and deeper insights into the adoption and impacts of these technologies. Together, these methodologies will offer a 360-degree view of the subject, integrating empirical data with experiential accounts to provide a balanced perspective.

Abstract. The algorithm is rarely used to match a single pattern, but has significant theoretical significance and is very effective in finding the matches of multiple patterns of the same length. for a text of length n and a pattern of length m , its average and best execution time is $O(n)$ with a correctly selected hash function (see below), but in the worst case it has an $O(nm)$ efficiency, one of the reasons why it is not so widely used. For applications where incorrect positives can be tolerated in search, i.e. applications where some instances of a pattern being found may not actually match the pattern, the Rabin-Karp algorithm works in guaranteed $O(n)$ time and with an appropriate choice of random selection.

Introduction. To perform, the P0 process is selected first. The duration of its processor crack is greater than the value of the time quantum, and therefore the process is performed until the quantum expiration, that is, within 4 time units. After that, it is placed at the end of the queue of ready-to-do processes, which takes the appearance of P1, p2, p0. The next P1 process begins to be executed. Its execution time corresponds to the size of the allocated Quantum, so it continues until the process is complete. Now the turn of the processes in the finished state consists of two P2, p0 processes. The processor is reserved for the p2 process.

Rabin-Karp algorithm

Material from Wikipedia - free encyclopedia

The Rabin-Karp algorithm is a row search algorithm that uses hashing to search for a pattern, i.e. a bottom row, in text. It was developed in 1987 by Michael Rabin and Richard Karp .

The algorithm is rarely used to match a single pattern, but has significant theoretical significance and is very effective in finding the matches of multiple patterns of the same length. for a text of length n and a pattern of length m , its average and best execution time is $O(n)$ with a correctly selected hash function (see below), but in the worst case it has an $O(nm)$ efficiency, one of the reasons why it is not so widely used. For applications where incorrect positives can be tolerated in search, i.e. applications where some of the pattern's found States may not actually match the pattern, the Rabin-Karp algorithm is guaranteed in $O(n)$ time and the appropriate choice of random selection

Material from Wikipedia - free encyclopedia

The Rabin-Karp algorithm is a row search algorithm that uses hashing to search for a pattern, i.e. a bottom row, in text. It was developed in 1987 by Michael Rabin and Richard Karp

The algorithm is rarely used to match a single pattern, but has significant theoretical significance and is very effective in finding the matches of multiple patterns of the same length. for a text of length n and a pattern of length m , its average and best execution time is $O(n)$ with a correctly selected hash function (see below), but in the worst case it has an $O(nm)$ efficiency, one of the reasons why it is not so widely used. For applications where incorrect positives can be tolerated in search, i.e. applications where some instances of a pattern being found may not actually match the pattern, the Rabin-Karp algorithm works in guaranteed $O(n)$ time and with an appropriate choice of random selection. hash function (pa

Since the number of lines we are looking for, k , is so large, traditional one-line search algorithms become inefficient.

Content

- 1 bottom row search by Shift and competing algorithms
- 2 using hashing to find the bottom rows on the ceiling
- 3 Hash function is used
- 3.1 misconceptions about multi-named hashes
- 4 Rabin-search for carp and many specimens
- 5 See also
- 6 Note
- 7 literature

Substring ceiling search and competing algorithms

The main task of the algorithm is to find a string of length m in a text of length n , which is called a pattern. One of the simplest algorithms for this task is looking for a bottom line in all possible places:

- 1 function NaiveSearch (string $s[1..n]$, string $sub[1..m]$).
- 1 for i from 1 to $n-m+1$ for 2
- 3 for j from 1 to m
- 4 if $s[i+j-1] \neq sub[j]$
- 5 proceed to the next iteration of the outer cycle
- 6 return i
- 7 return not found

This algorithm is y in many practical cases

Load matching algorithms

Medial

Sooner or later, web applications will exceed the autonomy of one server. Companies must record both their identity or or other acquisition. To do this, they place their applications on multiple servers and put a load balance in front of it to distribute incoming requests. To cope with the workload, companies working on a web application may require thousands of servers.

In the Ush post, we will consider ways to distribute single load balancer HTTP requests to multiple servers. We start from the bottom and move on to modern algorithms for cleaning loads.

Visualization of the problem

Let's start from the very beginning: requests are sent to one server with one balance. Queries ask (RPS) per second

To perform, the P0 process is selected first. The duration of its processor crack is greater than the value of the time quantum, and therefore the process is performed until the quantum expiration, that is, within 4 time units. After that, it is placed at the end of the queue of ready-to-do processes, which takes the appearance of P1, p2, p0. The next P1 process begins to be executed. Its execution time corresponds to the size of the allocated Quantum, so it continues until the process is complete. Now the turn of the processes in the finished state consists of two P2, p0 processes. The processor is reserved for the p2 process. The allocated processor is completed by the time it runs out, and the next Quanta are allocated for processing p0 - the only one that has not finished its work at the moment. the waiting time for the P0 process (the number of characters "G" in the corresponding line) is 5 time units, for the P1 process - 4 time units, for the P2 process - 8 time units.

Rabin-Karp algorithm methods

The original algorithm proposed by Miller was deterministic and consisted of checking all $\{ \displaystyle 70 \ln(m)^{2} \}$. Miller's algorithm is guaranteed to recognize prime and composite numbers, provided that the generalized Riemann hypothesis is satisfied. The Miller-Rabin algorithm does not depend on the validity of the generalized Riemann hypothesis, but is probabilistic

Тест Миллера - Рабина

- ▶ Пусть m — нечётное число больше 1. Число $m - 1$ однозначно представляется в виде $m - 1 = 2^s \cdot t$, где t нечётно. Целое число a , $1 < a < m$, называется **свидетелем простоты** числа m , если выполняется одно из условий:

$$a^t \equiv 1 \pmod{m}$$

- ▶ Или существует целое число k , $0 \leq k < s$, такое, что

$$a^{2^k t} \equiv m - 1 \pmod{m}$$

- ▶ **Теорема Рабина** утверждает, что составное нечётное число m имеет не более $\phi(m) / 4$ различных свидетелей простоты.

Another noteworthy algorithm for text search is the Rabin-Karp algorithm, which is based on the hashing method. I will try to explain in detail how it works.

Let us have the following text: FINDINAHAYSTACKNEEDLEINA
 Pattern: NEEDLE

a hash number is generated based on characters from 0 to M-1 in the pattern. Here, M is the number of characters in the pattern.

in each [i..N-1] cycle, a hash number is generated for i to M + i - 1 characters in the text. Here, N is the number of characters in the text

If the pattern hash and the text substring hash are equal to each other, the pattern is found in the text.

One of the fastest and easiest ways to generate a hash number is to take the code of each character of the pattern, add them together, and divide it by a large prime number, leaving a remainder. In Javascript, this is done as follows

```
const primeNumber = 997 // prime number
const pattern = "NEEDLE" // search term
const hash = pattern.split("").map(char => char.charCodeAt()).join("") %
primeNumber
// hash number for pattern is 769
INDINAHAYSTACKNEEDLEINA
FINDIN // 5 != 769
INDINA // 877 != 769
```

```

NDINAH // 105 != 769
DINAHA // 259 != 769
INAHAY // 541 != 769
NAHAYS // 414 != 769
AHAYST // 271 != 769
HAYSTA // 963 != 769
AYSTAC // 805 != 769
YSTACK // 535 != 769
STACKN // 507 != 769
TACKNE // 178 != 769
ACKNEE // 98 != 769
CKNEED // 615 != 769
KNEEDL // 317 != 769
NEEDLE // 769 == 769
    
```

A very simple and ingenious method!

Discussion

The hash generation method above may run slower due to the use of split() and join() methods. Therefore, we will perform hash generation using the proven method - Horner's method. The general formula is as follows::

$$xi = (ti * RM-1 + ti+1 * RM-2 + \dots + ti+M-1 * R0) \% Q$$

Bu yerda:

xi – matndagi [i..M + i – 1] substring uchun hash soni.

ti – str.charCodeAtAt(i) – matn/pattern belgisining ASCII jadvalidagi raqami.

R – radix soni. ASCII uchun 128 yoki 256.

M – patterndagi belgilar soni.

Q – tub son.

The probability of a collision in a hash function depends on how big the prime number Q is. For example, if the number Q is greater than M * N2, the probability of collision is equal to 1/N. So we have generated the hash number of the pattern. Now it generates a hash number from each i to M + i - 1 substrings in the text and compares it to the hash number of the pattern. Hash is generated in the same way for both substring and pattern

References

1. Urinov, K. O., Jumanov, K. A., Khidirov, A. M., Urinov, S. K., Abdiyev, J. M., Jumaboyev, T. A., & Eshmirzayev, M. R. (2020, April). Magnetocaloric effect in polycrystalline cobalt. In Journal of Physics: Conference Series (Vol. 1515, No. 2, p. 022079). IOP Publishing.
2. Saidov, A. S., Sapparov, D. V., Usmonov, S. N., Kutlimratov, A., Abdiev, J. M., Kalanov, M., ... & Akhmedov, A. M. (2021). Investigation of the Crystallographic Perfection and Photoluminescence Spectrum of the Epitaxial Films of (Si2) 1-x (GaP) x $\left(0 \leq x \leq 1\right)$ Solid Solution, Grown on Si and GaP Substrates with the Crystallographic Orientation (111). Advances in Condensed Matter Physics, 2021, 1-8.
3. LEYDERMAN, A., Saidov, A. S., USMONOV, S., Abdiyev, J. M., & Suyarov, Q. T. (2021, February). INFLUENCE OF WEAK GRADED GAP ON INJECTION DIFFUSION REGIMES OF CURRENT TRANSPORT IN SEMICONDUCTOR PN-STRUCTURES. In Congress Dates (p. 40).

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ АВЛОДНИ ТАРБИЯСИ ДОЛЗАБР МАСАЛА

Жўраева Махфират Ҳикматуллаевна

Жиззах шаҳар 29-мактабгача таълим ташкилоти психологи

*Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот,
ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир*

А. Авлоний

Ҳозирги даврда кечаётган глобаллашув жараёни инсоннинг, айниқса ёш авлоднинг тарбиясига таъсир қилмасдан қолмайди албатта. Техника тараққиёти натижасида атроф-муҳитга, кундалик ҳаётга муносабатлар ҳам ўзгариб бораётгани табиий жараёндир. Баъзан янгиликлар кетидан ўзлаштириб улгурмасдан қолинмоқда. Шундай бир даврда инсоният тарбияга муҳтожлиги янада ошиб бораётганлиги сезилмоқда. Инсоният ҳамма замонларда ҳам ўз келажаги учун қайғуриб келган. Зеро, фарзанднинг тарбияси, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам инсонларнинг, олиму-фузоларнинг диққат марказида бўлган. Шу боис, асрлар давомида инсоният тарбиянинг бир неча усул ва воситаларини ўйлаб чиққан.

Мактабгача ёшдаги боланинг онгига сингдирилган билим ва маънавий кадрятлар унинг келгусидаги ҳаётини белгилаб бериши сабабли ўзаро ва оиладаги муносабатлар, яқин кишиларга ғамхўрлик қилиш, болалар тарбиясида миллий тарбия усуллари ва замонавий педагогларнинг илғор ютуқларидан самарали фойдаланиш, уйғун ривожланган бола шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум. ... Фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса, бу – инсониятнинг болалик кўшиғидир». Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар, маънан етук, ахлоқан юксак инсонлар бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан оилада ва мактабгача таълим ташкилотида уларга берилган мана шу болалик кўшиғи бўлган фольклор асарларидан таълимтарбия тизимида самарали фойдаланишга боғлиқдир. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида қабул қилинган “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” да ҳам ўз аксини топган.

Фарзандни тарбиялаш усуллари воситалари биринчидан, жуда қадимдан ҳар бир оилада авлоддан-авлодга у ёки бу кўринишда ўтиб келган бўлса, иккинчи томондан, буюк аجدодларимизнинг ўз даври, замонасидаги тарбиявий муҳитининг акс эттирган жуда кўплаб асарлари бизгача етиб келган. Ўша даврдаги тарбияга оид қўйилган талаблар ҳозирги кунда ҳам

Ўзининг ҳаётийлигини йўқотмаган. Шу ўринда тарбиянинг, тарбиялашнинг чеки, чегараси борми? деган савол юзага келиши мумкин. Йўқ албатта. Чунки кишилик жамияти ривожлана бориб, ҳар бир даврда ўз аъзоларига нисбатан янги-янги талаблар қўйиб бораверади. Хўш тарбия сўзининг луғавий маъноси нима? Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “тарбия – ривожлантириш, парвариш қилиш, ўстириш, ўргатиш, илм бериш. 1) Таълим, одоб-ахлоқ ва шу кабиларни сингдириб, ўргатиб, инсонни вояга етказиш, улғайтириш, ўстириш. 2) Инсонда иш хунар, одоб-ахлоқ ва шу кабиларни шакллантириш, ривожлантиришга, унинг жамиятда яшаши учун керак бўлган хислатларга эга бўлишини таъминлашга қаратилган иш-амаллар мавжуд ва шу йўл билан сингдирилган одоб-ахлоқ, хислат, фазилат” деган маъноларни англатади дейилган. Демак, тарбия ҳақида сўз кетар экан, энг аввало инсонга маълум мақсадларни кўзда тутган ҳолда, унинг ёшидан қатъий назар, маълум бир сифатларни хислатларни юзага келтириш учун бевосита қилинадиган усуллар, таъсир доирасидир. Тарбия жараёни бевосита ва билвосита амалга оширилиши мумкин. Бевосита тарбия ҳақида гап кетар экан, инсоннинг бу жараёни амалга ошириш учун қиладиган тўхтовсиз ҳаракати кўз олдимизда намоён бўлади.

Билвосита таъсир этиш жараёни эса инсонни ўраб турган муҳитдами, оиладами, ўқув юртидами, меҳнат жамоаларидами яратилган шарт-шароитлар, ўзаро муносабатлар бошқаларга ибрат бўладиган яхши амаллар, ўзаро ҳурмат урф-одатлар ва анъаналарнинг сақланиши ва эъозланиши ва ҳоказо кабилар киради. Билвосита тарбияда инсон атроф муҳитдан ўзига тегишли хулоса чиқариши, бошқача айтганда, онгли тарздаги фаолиятига асос яратишдир.

Тарбиянинг янада самаралироқ бўлиши учун бевосита ва билвосита тарбиялаш жараёни бир-бирига ҳамоҳанг бўлиши керак. Агар тарбияланувчи бевосита бўлаётган тарбиявий жараёнда олаётган ахборот ҳаётда ўз тасдиғини топмаса, бундай тарбиявий жараёндан тўлақонли тўлиқ мақсадга эришилади, деб бўлмайди. Тарбия жараёни ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Ижобий жараёнда тарбиячи тарбияланувчига умуминсоний қадриятларга, анъана ва урф-одатларга мос ҳолда ўз тушунчасини, тажрибасини эътиқодини, керак бўлса, эҳтиросини ўргатиши, сингдириши тушунилади. Ижобий тарбиянинг мақсади инсонга ахлоқий софлик, маънавий баркамоллик, жисмоний етукликни сингдиришдир. Салбий тарбия-айрим кимсаларнинг ғаразли мақсадларини кўзлаган ҳолда тарбияланувчига таъсир ўтказишидир. Тарбия ёрдамида инсоннинг келажаги ҳал этилади. Шунингдек, тарбия ўз навбатида маънавий тарбия ва жисмоний тарбиядан ташкил топади. Маънавий тарбиялаш омиллари ранг-баранг, яъни тўлақонли маънавий жараёнларни тарбияланувчига сингдириб боришидир. Жисмоний тарбия эса инсонни соғлом, бақувват қилиб етиштиради. Демак, инсон ҳар иккала тарбия туфайли комилликка, етукликка қараб ўзгармоғи керак.

Тарбия ривожланиб борадиган жараён бўлиб, жамият ривожланиши билан вобаста, ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Бу ҳамоҳанглик ўзаро диалектик

мужассам бўлиши учун интилиш пайдо бўлади. Ватанимизнинг равнақи учун ҳам иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг янада чуқурроқ давом этиши билан биргаликда сиёсий барқарорлик, маънавий етуклик, миллатлараро тотувлик каби омилларни кўрсатиб ўтганлар. Юртбошимизнинг олиб бораётган тинчлик, осойишталик, сиёсий барқарорлик йўлидаги сиёсати ҳамда халқимизнинг маънавиятини юксалтириш бўйича олиб бораётган ишларни қўллаб – қувватланмоқда.

Адабиётлар

1. Болажон. Таянч дастур. —Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.
2. Халқ, таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. —Т., 2006. 5. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». —Т., 2006.
3. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Мактабгача таълим концепцияси. —Т., «Фан ва технология», 2011.
4. Мактабгача таълим тизимига дойр ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўплами. «LIDER PRESS», -Т ., 2009.

MORFOTAKTIKA QOIDALARINING ZAMONAVIY LINGVISTIK MODELLARI

Berdiyeva Habiba Abdumannon qizi
Farg'ona viloyati Farg'ona shahar
6- maktab "O'zbek tili" o'qituvchisi
habibahoshimovaa@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqolada bugungi kunda yanada taraqqiy etib kelayotgan kompyuter lingvistikasi yo'nalishi hamda uning o'ziga xos lingvistik modellaridan foydalanilgan holda morfotaktika qoidalarining aks etishi borasida fikr yuritiladi. Qayd etib o'tish joizki, tovush o'zgarishlarining zamonaviy lingvistik modellari tovush o'zgarishlarining ma'lum xususiyatlariga tayangan holda yuzaga keladi. Bundan tashqari, ularning kompyuter modellarini aniqlash ushbu yo'nalishning yanada taraqqiy etishiga yordam beradi.

Kalit so'zlar: morfotaktik qoidalar, zamonaviy lingvistik model, kompyuter lingvistikasi, modul, qolip.

Абстрактный. В данной статье рассматривается направление компьютерной лингвистики, которое сегодня развивается еще больше, и отражение звуковых изменений с помощью ее специфических лингвистических моделей. Следует отметить, что современные лингвистические модели звуковых изменений основаны на определенных характеристиках звуковых изменений. Кроме того, выявление их компьютерных моделей поможет дальнейшему развитию этого направления.

Ключевые слова: изменение звука, современная лингвистическая модель, компьютерная лингвистика, модуль, паттерн.

Abstract. This article discusses the direction of computer linguistics, which is developing even more today, and the reflection of sound changes using its specific linguistic models. It should be noted that modern linguistic models of sound changes are based on certain characteristics of sound changes. In addition, the identification of their computer models will help further development of this direction.

Keywords: sound change, modern linguistic model, computer linguistics, module, pattern.

Ma'lumki, tovush o'zgarishlari fonetika bo'limining ajralmas qismi hisoblanib, ushbu bo'limni lingvistik tadqiq etish tilshunoslik fanining muhim tadqiqot obyekti sanaladi. Qayd etib o'tish lozimki, bugungi kunda yanada rivoj topib borayotgan kompyuter lingvistikasi yo'nalishi asosida tovush o'zgarishlarining mohiyatini ochib berish ushbu sohaning yana ham keng yoyilishiga xizmat qiladi. Biz tahlil qilayotgan ushbu maqolada ham tovush o'zgarishlari hamda ularning kompyuter lingvistikasidagi zamonaviy modellari xususida so'z yuritiladi.

Tovush o'zgarishlari talaffuz me'yorlariga bog'liq hodisa hisoblanib, og'zaki nutqda ma'lum tovush o'zgarishining yuzaga kelishi asosida hosil bo'ladi. Tovush

“Asos+qo’shimcha=tovush ortishi” formulasini quyidagi jadval asosida tahlil qilsak:

Asos+qo’shimcha=tovush ortishi				
№	Asos	Tovush ortishi	Qo’shimcha	Hosila
1	U	N	-ga	Unga
2	Bu	N	-day	Bunday
3	U	N	-aqa	Unaqa
4	Bu	N	-cha	Buncha
5	U	N	-dek	Undek

I.I. Asoslarning qo’shilishi natijasida tovush almashish hodisasining yuzaga kelishi(asos+asos=tovush o’zgarishi)(2-model).

№	Asos	Asos	Hosila
1	Ayta	Beradi	Aytaveradi
2	Qila	Beradi	Qilaveradi
3	Yoza	Beradi	Yozaveradi
4	Ko’ra	Beradi	Ko’raveradi

I.II. Asos+qo’shimcha=tovush almashishi formulasi asosida yuzaga kelgan modul(3-modul).

№	Asos	Qo’shimcha	Hosila
1	Yo’q	-i	Yo’g’i
2	O’rtoq	-i	O’rtog’i
3	Terak	-i	Teragi
4	kerak	-i	Keragi

I.I. Asoslarning birikishi natijasida tovush tushish hodisasi(4-modul).

№	Asos	Asos	Hosila
1	Yoza	Oladi	Yozoladi
2	Bora	Oladi	Boroladi
3	Ayta	Oladi	Aytoladi
4	Qila	Oladi	Qiloladi

I.II. Asos+qo’shimcha=tovush tushishi formulasining zamonaviy lingvistik modeli(5-modul).

№	Asos	Qo’shimcha	Hosila
1	O’g’il	-i	O’g’li
2	Singil	-i	Singli
3	Ko’ngil	-i	Ko’ngli
4	Shahar	-i	Shahri

Yuqoridagi jadvallardan ko’rinib turibdiki, tovush o’zgarishlarining zamonaviy lingvistik modullarini jadval hamda formula asosida tahlil qilish ularning o’xshash hamda farqli jihatlarini yanada kengroq ochib berishga xizmat qiladi.

XALQARO TO'LOV TIZIMLARI, HISOB-KITOBLARNI O'TKAZISHNING O'ZIGA XOS JIXATLARI

Z.A.Umarov

i.f.d. prof., O'zbekiston Respublikasi Bank moliya akademiyasi professori

Axmedov Sherbek Foziljon o'g'li

O'zbekiston Respublikasi Bank moliya akademiyasi magistranti

Gmail: axmedovsherbek3@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqola xalqaro hisob-kitoblarning mazmun – mohiyati va ularning turlari, tijorat banklarida qo'llaniladigan xalqaro hisob-kitob metodlari hamda xalqaro to'lov tizimlari va ularning turlari, ishlash usullari haqida.

Kalit so'zlar: Xalqaro hisob-kitob turlari, akkreditiv, ochiq hisobraqam, to'lov avansi, savdoni moliyalashtirish, dokumentli inkasso, risk, importyor, eksportyor, xalqaro to'lov tizimi, SWIFT, kontragent.

Аннотация. Данная статья о содержании и сущности международных расчётов и их видах, о методах международных расчётов используемых в коммерческих банках и о международных платёжных системах и их видах, методах работы.

Ключовые слова: Виды международных расчётов, аккредитив, открытый счёт, авансовый платёж, финансовая торговля, документарное инкasso, риск, импортер, экспортер, международные платёжные системы, SWIFT, контрагент.

Annotation. This article is devoted to types of international payment systems, and characteristics and types of international interbank settlements and methods of international payments. Using in commercial banks.

Key words: Types of international payment system, letter of credit, open account, cash-in-advance, finance trade, risk, documentary collection, importer, exporter, international payment system, SWIFT, counterparty.

Kirish. Keyingi yillarda valyuta siyosati va tashqi savdo faoliyati sohasini takomillashtirish bo'yicha ko'rilgan chora-tadbirlar mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, eksport salohiyatini oshirish, zamonaviy, eksportga yo'naltirilgan ishlab chiqarishlarni hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini barqaror rivojlantirishga xizmat qilgani qayd etish lozim. Shu bilan birga, valyuta muomalasi sohasining haddan ziyod ma'muriy tartibga solinishi alohida tarmoqlar va xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun imtiyoz va preferensiyalarning asossiz ravishda kam samarali bo'lgan tizimini shakllantirdi, biznes yuritishda teng bo'lmagan shart-sharoitlarning vujudga kelishi va raqobatning bozor tamoyillari buzilishiga olib keldi, xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda, tovarlar va xizmatlar eksportini oshirishda, umuman, mamlakatimiz iqtisodiy rivojlanishida to'sqinlik qiluvchi omilga aylandi.

Valyuta sohasini tartibga solishning bozor mexanizmlarini joriy qilish, respublika eksport salohiyatini oshirishni rag'batlantirish, to'g'ridan to'g'ri xorijiy

investitsiyalarni faol jalb qilish, mahalliy ishlab chiqaruvchilarning tashqi va ichki bozordagi raqobatdoshligini oshirish, mamlakatimizda investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilash maqsadida: Valyuta bozorini yanada liberallashtirish sohasida davlat iqtisodiy siyosatining ustuvor yo'nalishlari etib quyidagilar belgilandi:

1. birinchidan, yuridik va jismoniy shaxslarning chet el valyutasini erkin sotib olish va sotish hamda o'z mablag'larini o'zining xohishiga ko'ra erkin tasarruf etish huquqlarini ro'yobga chiqarishni to'liq ta'minlash;

2. ikkinchidan, milliy valyutaning chet el valyutasiga nisbatan kursini belgilashda faqatgina bozor mexanizmlarini qo'llash;

3. uchinchidan, valyuta resurslaridan foydalanishda bozor instrumentlarining rolini oshirish, valyuta bozorida barcha xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun teng raqobat sharoitlarini yaratish, valyuta siyosatining noan'anaviy tarmoqlarda eksportni rivojlantirishda, mintaqaviy va xalqaro iqtisodiy hamkorlikni mustahkamlashda rag'batlantiruvchi rolini oshirish;

4. to'rtinchidan, sifatli ish o'rinlari va yuqori qo'shilgan qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarishni bevosita rag'batlantirish uchun iqtisodiyotning barcha sektorlariga to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalar, bilim va texnologiyalar jalb etishga xizmat qiladigan ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaxshilash;

5. beshinchidan, bank tizimining barqarorligini ta'minlash va uning tavakkalchiliklarga bardoshlilikini, shu jumladan, valyuta siyosatini liberallashtirishning vujudga kelishi mumkin bo'lgan salbiy ta'sirini yumshatishga qaratilgan samarali choralarni qo'llash hisobiga oshirish;

Bugun O'zbekiston toboro jahon integtarsiyalashuv jaroyiniga kirib bormoqda. Buning esa asosiy sababi davlatimiz rahbari va hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan oqilona va uzoqni ko'zlagan tashqi iqtisodiy aloqalar, xususan chet el investetsiyasini yurtimizga olib kirish bilan bo'g'liq amalga oshirilayotagan ishlarni nazarda tutish mumkin. Shuningdek, O'zbekistonga Prefensiyalar bosh tizimi ("GSP+") bo'yicha benefitsiar mamlakat maqomining berilishi, O'zbekistondagi davlat ulushi bor banklarining chel ellik investorlarga sotilishi hamda O'zbekistonlik tadbirkorlarning chet ellik hamkorlari bilan to'g'ridan to'g'ri eksport-import operatsiyalari rivojlanishida yaqqol ko'rish mumkin.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklaridagi xalqaro hisob-kitoblar, bular transchegaraviy to'lovlarni amalga oshirishning shartlari va tartiblarini o'z ichiga oluvchi tizim bo'lsa, yana boshqa tomondan tijorat banklarining o'z faoliyatini amalga oshirishdagi amaliy ko'rinishi ham hisoblanadi. Bu yo'nalishda xalqaro va O'zbekistonlik iqtisodchi - olimlar o'z fikrlarini bayon qilganlar. Xususan, bu to'g'risida T.I. Boboqulov, O'.A. Abdullayev, Navro'zova K.N, I.R. Toymuhammedov adabiyot va o'quv qo'llanmalarda o'z fikrlarini bayon etganlar.

Xalqaro hisob-kitoblar quyidagi o'ziga xos xususiyatlarga ega:

- Ular ma'lum bir mamlakat ichidagi qonun va normativlar bilan tartibga solinsa, bir paytning o'zida xalqaro qoidalar va tartiblarni ham muvofiq bo'lishi lozim.

10505 Boshqa banklarning vakillik hisobvaraqlaridan olinishi lozim bo'lgan mablag'lar — Vostro, overdraft. U hisobvaraqlar, to'lovlarni amalga oshirishda 21002 hisobvarag'ida ilgari mavjud bo'lgan kredit qoldig'idan oshib ketishi natijasida yuzaga kelgan debet qoldiq summasi hisobga olinadi.

20802 Markaziy bankning vakillik hisobvarag'iga to'lanishi lozim bo'lgan mablag'lar — Vostro. Bu hisobvaraqlarda Markaziy bankning tijorat banklarida ochilgan vakillik hisobvarag'idagi mablag'lari hisobi olib boriladi.

Tadqiqot metodologiyasi

Banklararo xalqaro hisob-kitoblar ham bank joylashgan davlatning milliy qonunchiligi asosida, ham xalqaro normalar asosida tartibga solinadi. Bir davlat ichidagi to'lovlar o'sha davlatning ichki to'lov tizimlari orqali amalga oshirilsa, masalan O'zbekistonda "Humo" yoki "Uzcard" milliy to'lov tizimlarida amalga oshirilsa, xalqaro to'lovlar esa ikki tomonlama vakillik munosabatlariga asoslanadi, masalan SWIFT, TARGET va boshqalar.

1-Jadval

Xalqaro to'lov tizimlari va ulardagi bir kunlik tranzaksiya miqdori to'g'risida.

Xalqaro to'lov tizimi nomi	Joylashgan davlati	Asos solgan tashkilot (davlat)	Bir kunlik tranzaksiyalar miqdori	A'zolari soni	Tranzaksiya o'tkazish narxi
SWIFT	Belgiya	19 ta davlatdagi 248 ta bank hammuasligida	5 trln AQSH dollari	11 000	Har bir tranzaksiyadan 3-5 % gacha
FedWire	AQSH	AQSH Federal Reservi	4.3 trln AQSH dollari	5 000	14000 AQSH dollarigacha 0.92 dollar
TARGET	Yevropa Ittifoqi	Yevropa davlatlari	2.2 trln QSH dollari	19 ta Yevropa davlatlari banklari	Bir oylik- 1000 euro, 1 ta tranzaksiya uchun-0.8 euro
CHIPS	AQSH, Nyu-York	The Clearing House MCHJ	1.8 trln AQSH dollari	50	5 AQSH dollari har bir tranzaksiya uchun
CHAPS	Angliya, London	The Bankers Clearing House	0.72 trln euro	20 ta to'g'ridan to'g'ri ishtirokchi, Bank of England va 4500 ta bilvosita ishtirokchi	35 funt sterling har bir tranzaksiya uchun
СПФС	Rossiya	Rossiya Markaziy Banki		12 ta davlatning 74 dan ortiq banki (asosan Rossiya	1 ta xabar uchun 0.8-1 Rossiya rubli


				banlari)	
--	--	--	--	----------	--

To'lov turlari (metodlari) da tomonlarning quyidagi xususiyatlarini ko'rish mumkin:

- Xalqaro savdo eksportchi va impartyor o'rtasida to'lovlarni amalga oshirish muddatlari bo'yicha muddatlari bo'yicha noaniqlikni keltirib chiqarishi mumkin;
- Eksportchilar uchun har qanday qilingan eksport (sotilgan tovar va ko'rsatilgan ish, xizmat) to'lov olinmaguncha "sovg'a" hisoblanadi.
- Shuning uchun impartyorlar to'lovlarni imkon qadar tezroq olishni xohlaydi, iloji bo'lsa mahsulot jo'natilishidan oldin yoki buyurtma berilgan zahoti
- Impartyorlar uchun esa tovar qabul qilinguncha har qanday to'lov "hayriya" hisoblanadi.
- Import qiluvchilar tabiiyki, tovarlarni imkon qadar tezroq olishni xohlaydi, to'lovni esa imkon qadar kechroq qilishni xohlashadi. Iloji bo'lsa sotib olingan import tovarni qayta sotgandan so'ng to'lovni amalga oshirishni xohlaydi

1. To'lov avansi (cash in advance).

To'lov avansi xalqaro amaliyotda ko'p qo'llaniladigan xalqaro to'lov usuli hisoblanadi. Bu usul orqali eksportyor kredit riskidan qochishi mumkin, chunki to'lov tovar jo'natilishidan oldin olinadi. To'lov avansida xalqaro savdolar uchun pul o'tkazmalari va kredit kartalar eksportchilar uchun mavjud bo'lgan eng ko'p ishlatiladigan yo'nalish hisoblanadi. Shuningdek eksrou xizmatidan ham foydalanishi mumkin. Biroq, oldindan to'lovni oldindan talab qilish xaridor uchun eng kam jozibador variant hisoblanadi.



1-rasm. To'lov avansining harakati.


2. Inkasso (Collection).

Hujjatli inkasso (documentary collection) – bu eksport qiluvchi o'zining banki (rimitent bank) ga sotish uchun to'lovni inkasso qilishni ishonib topshiradigan operatsiya hisoblanadi. Eksportyor kerakli hujjatlarni o'z bankiga taqdim etadi, bank esa importyorning bankiga ko'rsatmalar bilan yuboradi. Mablag' import qiluvchidan olinadi va inkassoda ishtirok etuvchi banklar orqali eksportyorga o'sha hujjatlar evaziga o'tkaziladi. Dokumentli inkasso odatda akkreditivga qaraganda arzonroq. Hujjatli inkasso eksport qiluvchi uchun to'lovning bir usuli hisoblanadi. Bu usul ko'proq ishonchli mijoz va doimiy aloqa o'rnatilgan importyor mijozlar bilan qo'llanilishi maqsadga muvofiq. Bu usul eksport operatsiyasini soddalashtiradi hamda to'lovni tezroq olishga imkon beradi, shu bilan birga akkreditivga nisbatan arzon hisoblanadi.

3. Akkreditiv (Letters of credit).

Akkreditivlar xalqaro savdo ishtirokchilari uchun eng xavfsiz to'lov usulidir. Akkreditiv- bu chet ellik xaridor (importyor) ning banki tomonidan eksportyor tovarni jo'natgandan keyin to'lash to'g'risidagi shartnomaviy majburiyatidir hamda dalil sifatida eksportyor hujjatlarni o'zining bankiga taqdim etadi. Akkreditiv xalqaro to'lov metodlari orasida eng risksizi hisoblanib, eksportyorni himoya qiluvchi, unga pulni yetib kelishini ta'minlovchi to'lov usulidir. Ular eksport qiluvchilar uchun tashqi bozorlarda yangi mijozlar bilan buyurtmalarni yutib olishga yordam beradi. Bunda, eksportyor to'lov kafolatini oladi, shu bilan birga importyorga oqilona to'lov shartlarini taklif qiladi. Akkreditiv eng xavfsiz to'lov turi hisoblanadi ammo u ko'p mehnat va vaqt talab qiladi va shuning uchun ham akkreditiv qimmat bank xizmat turi hisoblanadi.

Akkreditivning aylanish sikli



2-Rasm. Akkreditivning aylanishi.

Akkreditivning eksportyor uchun foydali jihatlari:

- To'lovning kafolatlanganligi;
- To'lov shartlarining oqilona taklif qilinishi;
- Akkreditivning eksportyor uchun foydali jihatlari;
- Tovarning to'lov qilinishi oldin yuborilishini kafolatlanganligi;

4. Ochiq hisobraqam orqali hisob-kitob (Open account or Accounts payable).

Ochiq hisobraqam operatsiyasi – bu tovar jo'natilgan va Tovar muddatidan oldin yetkazib berilgan savdo bo'lib, xalqaro savdolarda odatda 30, 60 yoki 90 kun ichida amalga oshiriladi. Shubhasiz bu usul importyor uchun xavfsiz va foydali to'lov usuli bo'lsa, eksportyor uchun eng yuqori xavf varian hisoblanadi. Eksport bozorlaridagi kuchli raqobat tufayli chet ellik xaridorlar eksportchilarni ochiq hisobvaraqa shartlarini qo'yishadi va eksportyor bunga majbur bo'ladi. Chunki xorijda xaridorga tovarni kreditga sotish keng tarqalgan. Kreditga mahsulotini sotishni istamaydigan eksportchilar mijoz topishda qiyinchilikga duch keladi. Ochiq hisobraqam shartlarini taklif qilganda eksportyor eksport krediti sug'urtasidan foydalangan holda qo'shimcha riskni kamaytirishi mumkin.

MHS (МСФО, IFRS) da bu usul ko'rsatib o'tilgan bo'lib, bunda tovarlar ikki ko'rinishda naqd pulga “cash” ga sotiladi yoki kreditga “kredit” ga sotiladi.

Bunda eksportyor MHS bo'yicha quyidagicha ikki yoqlama yozuvni yozadi.

Dr receivables (debitor qarzdorlik)
 Cr sales (revenue) (asosiy faoliyatdan tushim)

Importyor esa quyidagicha ikkiyoqlama yozuvni yozadi.

Dr. Purchase (TMZ)
 Cr. Payable (Qisqa muddatli majburiyatlar)

2-Jadval.


Ochiq hisobraqam metodining afzallik va kamchiliklari.

	Afzallilari	Kamchiliklari
Importyor	-Tovarlarni to'lov qilishdan oldin oladi -Ijobiy pul oqimi	Minimal
Eksportyor	-Raqobatbardosh bozorlarda mijozlarni jalb qilish mumkin	Yuqori risk darajasi

5. Savdoni moliyalashtirish (Consignment/ Trade finance).

Xalqaro savdoda bu usul Ochiq hisobraqam orqali amalga oshiriladigan to'lov usuliga o'xshab ketadi ammo undan farq qiladi. Bunda to'lov eksportchiga Tovar xorijiy distribyutor tomonidan oxirgi mijozga sotilgandan keyingina yuboriladi. Xalqaro savdoni moliyalashtirish shartnomaviy kelishuvga asoslanadi. Bunda tovarlarni xorijiy distribyutor o'ziga qabul qiladi, uni boshqaradi va uni eksportyor uchun sotuvini amalga oshiradi, ammo tovarga egalik eksportyorning o'zida qoladi. Xorijiy savdoni moliyalashtirish eksportyor uchun yuqori riskli hisoblanadi, chuni hech qanday to'lov kafolatlanmaydi va uning tovarlari xorijda distribyutor yoki mustaqil agent qo'lida bo'ladi. Bu usul eksportyorga tovarini

tezroq sotilishi va omborda turib qolmasligini va bu orqali xarajatlarni kamaytirish imkonini beradi.




3-Rasm. Savdoni moliyalashtirish.

Kontragentlar amalga oshiradigan xalqaro to'lovlarning har birida ma'lum miqdorda risk mavjud ya'ni to'lovning amalga oshmasligi yoki tovar (ish va xizmat) larning o'z vaqtida bajarmasligi kabi. Shuning uchun har bir kontragent riski kam bo'lgan to'lov turini tanlashga harakat qiladi.

Quyidagi rasmda xalqaro to'lov ishtirokchilari (kontragent) ning risk darajasi ko'rsatilgan.

Kantragentlar uchun to'lov usullarining risk darajasi



4-Rasm. Eksportyor va importyorlar uchun xalqaro hisob-kitoblardagi to'lov usullarining risk darajasi.

4- rasmda eksport va import qiluvchi XYuS uchun risk darajasi ko'rsatilgan. Bunda eksportyor va importyor korxonalar uchun risk darajasi teskari holatda nomoyon bo'ladi. Sababi, eksportyor uchun risk darajasi kam bo'lgan xalqaro to'lov shakli importyor uchun yuqoriroq risk darajasini keltirib chiqarishi mumkin.

Xulosa. Bugungi kunda moliyaviy globallashtirish va texnik imkoniyatlarning jahon moliya bozoriga integratsiyalashuvi tufayli xalqaro banklararo hisob-kitoblar tadqiqotning dolzarb mavzusi hisoblanadi. Kredit muassasasida o'rnatilgan hisob-kitob mexanizmining yo'qligi bankning rivojlanishiga to'sqinlik qiladi va mavjud operatsiyalarni qo'llash imkonini bermaydi. Shuning uchun xalqaro banklararo hisob-kitoblarni amalga oshirish bo'yicha puxta tuzilgan siyosat korxonalar faoliyatining muhim jihati bo'lib, xalqaro banklararo faoliyat bilan shug'ullanuvchi yuqori rahbariyat va kompaniya xodimlarining professionalligidan dalolat beradi.

Xalqaro banklararo hisob-kitoblarni amalga oshirish muammolarini faqat banklararo bozordagi operatsiyalar ulushini oshirish orqali hal qilib bo'lmaydi. Kredit tashkiloti faoliyatining ushbu sohasini rivojlantirish uchun xalqaro huquqiy normalar va bank faoliyatini amalga oshirish qoidalariga rioya qilish kerak. Bundan tashqari, banklararo hisob-kitoblarning global hamjamiyatiga integratsiyalashuvning texnik tarkibiy qismini hisobga olish kerak.

Ishni bajarish jarayonida xalqaro banklararo hisob-kitoblarning nazariy jihatlari, ularning mohiyati, tuzilishi, amalga oshirishning huquqiy asoslari ko'rib chiqilib, hisob-kitoblar shakllari va jahon banklararo to'lov tizimlari ham o'rganildi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 11 noyabrdagi O'RQ-582 sonli "O'zbekiston Respublikasi Markaziy Banki to'g'risida" gi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqidagi Qonuni (Yangi tahrir)
2. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 05 noyabrdagi O'RQ-580 sonli "Banklar va bank faoliyati to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqidagi Qonuni
3. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 01 noyabrdagi O'RQ-578 sonli "To'lovlar va to'lov tizimlari to'g'risida" gi Qonuni
4. O'zbekiston Respublikasining "Valyutani tartibga solish to'g'risidagi" O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risidagi O'RQ-573 sonli Qonuni
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 02 sentabrdagi PF-5177 sonli "Valyuta siyosatini liberallashtirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida" gi Farmoni
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 03 noyabrdagi " Tashqi savdo faoliyatini yanada erkinlashtirish va tadbirkorlik subyektlarini qo'llab – quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF-3351 sonli Farmoni
7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 14 maydagi "O'zbekiston Respublikasida tashqi savdo operatsiyalari monitoringini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi VM-283 soli Qarori
8. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to'g'risida"gi 3229 sonli Nizom, 2020 yil 13 aprel.
9. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to'g'risidagi yo'riqnoma" gi 3420 sonli Nizom, 2023 yi 08 fevral.
10. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi" 3336 son, 2021 yil 26 noyabr
11. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "O'zbekiston Respublikasida valyuta operatsiyalarini amalga oshirish qoidalari tasdiqlash to'g'risidagi" 3281 sonli Nizom, 2020 yi 31 avgust
12. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусаинов Г. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув кўлланма. – Т.: LESSON PRESS, 2018 й. 215-218 б.
13. Умаров З. А. Бухгалтерский учет в банках: Учебник //Умаров ЗА, Муругова ИА, Бабаева ГЯ.
14. Умаров З. А., Азимов Б. Банк кафолати ва унинг ҳисоби //Молия илмий журнали. – 2021. – С. 98-106.
15. Международное регулирование внешнеэкономической деятельности / Д.П. Александров, А.В. Бобков, С.А. Васьяковский и др.; Под ред. В.С. Каменкова. - М.: Издательство деловой и учебной литературы. - Мн.:
16. [http// trade.gov.com](http://trade.gov.com). Xalqaro Savdo Boshqaruvining rasmiy web sayti

MUNDARIJA

*B: Falsafa. Filologiya. Pedagogika. Psixologiya. Metodika. San'atshunoslik.
Sotsiologiya. Islomshunoslik. Iqtisod. Yuridik fanlari*

Баймиров М.С. Аллома Абу Барокот Насафийнинг ҳаёти ва ижоди.....	2
Раҳимов Н.К. «Ал-Фатава ас-Сирожия» асарининг услуги	7
Saitkulova N.R. Mustaqil ta'limni tashkil etish asosida talabalarning akademik mobilligini rivojlantirish mazmuni.....	13
Mayinova U.K., I.R. Murodova, M.Q. Aliboyeva, N.Sh. O'taboyeva, O.B.Adhamova, N.R. Aliqulova, H.G'. Toshboltayev Integrating innovation and sustainability: a comprehensive analysis of modern technologies in cotton fabric production.....	18
Kazakova M.A., Abdullayev O.Kh. A sufficient condition for the possibility of completing the pursuit.....	33
Миралиева Д.Т., Салихова Р.А. Педагогический менеджмент как теория и практикауправления образовательным процессом	41
Низомов Б.У. Психологические влияния интернета на студентов	45
Fatidinova D.M. Rahbarlik uslubiga qarab rahbarlarni turlarga ajratish	50
Хайтбоева М.Н. Ахборот-коммуникатив компетентликни ривожлантириш ва унинг асосий омиллари	54
Mirzayeva Z.O. Linguistic study of paralinguistic means	58
Tokhtaev A.I. Crimes in the field of information technologies and methods of protection against them	61
Ибрагимова С. Имом Муҳаммад ибн Ҳасан аш Шайбоний.....	65
Tohirova Sh.R. “Web – quest” dasturiy vositasida mustaqil ta'limni tashkil qilish.....	69
Эргашбоев Д.Э. Фирибгарлик жинояти учун жиноий жавобгарлик ва уни олдини олиш усуллари	75
Janizoqov I. Milliy-ma'naviy qadriyatlarimizdan yoshlar tarbiyasida foydalanishning tahlili va uni takomillashtirish yo'llari	81
Janizoqov I. Bo'lajak professional ta'lim o'qituvchilarini tayyorlashda axborot kommunikatsion tizimlardan foydalanish	87
Dzhangirova G. Innovative methods for teaching english at secondary level.....	92
Abdullayeva D., Saydazimov J.K. Rabin-Karp algorithm in algorithms	94
Жўраева М.Ҳ. Мактабгача ёшдаги авлодни тарбияси долзабр масала	100
Berdiyeva H.A. Morfotaktika qoidalarining zamonaviy lingvistik modellari	104
Umarov Z.A., Axmedov Sh.F. Xalqaro to'lov tizimlari, hisob-kitoblarni o'tkazishning o'ziga xos jixatlari	108